



ASR

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz

2019-YIL 14-FEVRAL, PAYSHANBA, 6 (796)-SON

web sayt: www.21asr.uz

O'zLiDeP tashabbusi

Умуммиллий ҳаракатга биз ҳам дахлдормиз

O'zLiDeP OROLB'YI MINTAQASINI OBOД ҚИЛИШГА ЎЗ ХИССАСИНИ ҚЎШЯПТИ

Давримизнинг глобал экологик муаммоларидан бири – Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, минтақада истиқомат қилаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида юртбошимиз ташаббуси билан кўплаб сайё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.



Дикқатга сазовор томони, умумхалқ ҳаракатига айлиниб бораётган бу жараёнда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам нафақат кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари, балки амалий ташаббуслар билан ҳам фаол иштирок этмоқда.

Собиқ тузум даврида пахта якҳоқимчилигига зўр берилиши Орол фожиасининг келиб чиқишига замин тайёрлагани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бир замонлар саҳронинг ўртасида мавж уриб турган улкан денгиз катта авлод кўз ўнгида аста-секин қуриб бита бошлади. Қозоғистон ва Ўзбекистон чегарасида жойлашган Орол денгизи яқин ўтмишда ҳам мўл-кўл неъматлари билан миллионлаб одамларга ризқ-рўз улашган, беҳисоб жонотларга ҳаёт бахшида этган эди. Эндиликда унинг ўрнидаги биёбонда шўрхок кум бўронлари юз беряпти, асрлар давомида денгиз тубида йиғилган туз ва кум аралашмаси бутун дунёга ёйилди. Ҳозирда Орол денгизи иккита алоҳида қўлга ажралиб қолди ва қарийб бутунлай қуриди. Бунинг оқибатида атрофдаги ерлар шўрланиб, худуднинг наботот, ҳайвонот ва инсон соғлиғига кес-

кин таъсир кўрсатган экологик офат юзага келган. Ушбу ҳалокат сабаблари ва оқибатларини турли соҳа мутахассислари кунт билан ўрганиб, хулосалар бeryаптилар. Хусусан, геология ва минерология фанлари доктори Сергей Кривоногов мазкур йўналишда ўн уч йилдан бери тадқиқот ўтказди. Олимнинг сўзларига қараганда, денгизни тиклаш имконияти мавжуд. Бунинг учун ҳавзага қўшимча сув келтириш лозим. Ҳар йили, ҳеч бўлмаганда, 20 километр куб сув куйилса, ҳавза кенгай бошлайди. Бундан ташқари, денгизнинг тикланиши иқлим ва тектоник таъсирлар, масалан, ерости сувларининг чиқишига ҳам боғлиқ.

"Ҳолва деган билан оғиз чучмайди", дейди доно халқимиз. Қанчадан-қанча тахминлар, халқаро анжуманларда айтилган тақдир-фикрлар ва ёрдам ҳақидаги ваъдалар билан минтақадаги экологик аҳвол яхшиланиб қолмаслиги аён бўла бошлади. Шу боис мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданок давлатимиз раҳбарияти Орол фожиасига жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортиш, бу глобал экологик ҳалокатни ҳамкорликда бартараф этиш учун тизимли сайё-ҳаракатлар олиб бормоқда.

УШБУ СОНДА:

АҲОЛИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ партияга ишончни оширади



СИРДАРЁЛИК ТАДБИРКОРНИНГ дардини ким эшитади?

Раҳбарнинг топиригига биноан, мен ўз ҳисобимдан 150 миллион сўм миқдорда ушбу идорага ҳамийлик ёрдами сифатида маблағ ўтказиб берсам, шундан сўнггина масала ҳал этилиши мумкинлиги очик айтилди. Нима қилайин, бундай катта маблағни топишга менинг қурбим етмади.



"МУРУВВАТ" ортидаги тузоқ



Заҳириддин Муҳаммад Бобур: "КЎРГАЧ БУ ХАТИМНИ МЕНИ ЁД ЭТГАЙСЕН..."

Мавзуга қайтиб...

Бу мавзуда, очиги, кўп бора ёзилди. Мутахассислар, зиёлилар, ижодкорлар миллий маданиятимизга зид бўлмиш сунъий манзаралар ортида "замонавийлик", "дунё билан бўйлашиш" ниқоби остида баъзи бир ғарбона арт-композицияларни кўр-кўрона ўзлаштираётганимиз, бу эса миллий менталитетимизга умуман мос келмаслиги ҳақида бонг урди. Яна бир ачинарли жиҳати, ушбу ясама тақлидчилик панасида айрим мутасаддиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам йўқми-кан деган мулоҳазалар ўртага ташлан-

ди. Бўлмаса, бутун мамлакат бўйлаб "I love..." кампанияси шу даражада оммавий безакка айланган кетмасди. Қош қўяман деб кўз чиқараётган бу "хайрсиз" ташаббус шу даражада кенгайиб кетдики, шаҳар ва туман марказлари, айрим қишлоқ номларини қўяверинг, ҳатто олий ўқув юрталари, таълим масканлари, савдо дўконлари (супермаркетдан тортиб гипермаркет ичидаги буюмларгача)... хуллас, на куллини биласиз, на-да куйлиши, ҳамма ёқда "юрракча"лар сизни қаршилай бошлади!

Шу ўринда босма нашрларда ушбу мавзуга оид чоп этилган мақолалардан айрим иқтибосларни келтирмакчи лозим топдик:

"...Арт-объектдан мустаҳкам жой олган "юрракча" тимсоли бир пайтлар шўро тузуми ёшларининг "эркин муҳаббат" рамзи эди: уни дарахтларга, дафтарларга, симоёчларга ўйиб ёзишарди.
Бу тимсол, аслида, авелиб Валентин кунни тимсоллари билан чамбар-

час боғлиқ. Биз Валентин кунининг, умуман, бу хил "муҳаббат изҳорлари"нинг миллий менталитетимизга ёт эканини гапириб, тарғиб қилаётганимизда шахримиздан ташвиқотимизга, қолаверса, мафкуравий сивесатимизга зид бўлган арт-композициялар жой олаётганига нима дейсиз? Бир кунда бу "юрракча"лар ёнидан Валентин кунни руҳини бошдан кечириб, нечта йилит-қиз ўтади, улардан қанчасининг кўнглига бу "юрракча" ўз таъсирини ўтказди экан?..

Ҳўш, нега шахримизни безашда миллий асосларимизга — миллий меросимизга мурожаат қилмай, виқор ва гўзалликни бошқа ердан излаяпмиз? Бунинг учун нима керак? Аслида, кўп нарса керак эмас. Бор-йўғи миллий маданиятдан, миллий симиотикадан хабардорлик, ватанпарварлик, ўз тарихи, ўз маданиятидан гурурланиш хоҳиш-истаги! Шу ҳолос! Бу борада бизга амалий санъатимиз нақшу нигорлари, орнаментлари, халқ озаки ижоди қаҳрамонлари, мифологик образлар, энг муҳими, бугун музейларни безаб турган қадимги шаҳарларимиз осори атиқалари, умумлаштириб айтганимизда, миллий симиотикамиз ҳамisha мададга тайёр турибди".

Назар ЭШОНҚҮЛ, ёзувчи ("Шаҳарларимиз қиёфасида ўзлгимиз намоён бўлсин!", "Халқ сўзи" газетаси)

"...Аслида сайёҳлар бегона давлатга ўз юртида МАВЖУД БУЛМАГАН манзаралар, обидалар, табиат, турмуш тарзи, маданият, санъат билан танишиш — янгилик илпикда келади. Ҳеч ким Ватанида кўриш мумкин бўлган нарса учун вақт ва маблағ сарфлаб, узоқ йўлга чиқмайди. Юртимизга ўзига хосликни излаб келган сайёҳлар учун "I love..." фақат Ўзбекистондагина учрайдиган янгилик ҳисобланмайди. Бундай "юрракча"-ли изҳорлар кинолар, кўрсатувлар, суратлари клиппар орқали бутун дунёга танилиб-тарқалиб бўлган. Демак, туризмнинг ривожланишига бунинг мутлақо алоқаси йўқ. Яна муҳим ва оғриқли жиҳат шуки, туризмни ривожлантириш тилимизни ғарблаштириш эвазига бўлмаслиги ҳам керак.

Мақсадага келсак, туризм бу ёзувларсиз ҳам ривожланади, уни ривожлантирувчи омпиллар "I love Uzbekistan", "I love Tashkent" эмас, балки юрт тинчлиги, аҳоли кайфияти барқарорлиги, тарихий обидалар мавжудлиги каби ижтимоий-маданий кўрсаткичлардир. Ватан мадҳи

ва миллий гурур эса фақат миллий брендлар билан юксалади".
Муҳайё ИСМОИЛОВА ("Безакларни ғарблаштириб, ўзликни ғарблаштираман!", "Ishonchi" газетаси)

Мавзуга яна қайтаётганимизнинг сабаби оддий: ҳўш, ана шу "оммавий тақлидчилик" кимга ва нимага керак бўлиб қолди, ўзи? Бунисиам майли, ажнабий ёзув ва "юрракча"ларни тайёрлаш, ўрнатиш учун, бизнингча, ҳазилакам маблағ сарфланмаётган бўлса керак? Қайси ҳисобдан харжланяпти, деган саволга жавоб топиш учун математикани сувдай ичвориш шарт эмасдир.

Коллаждаги манзараларни бир кўздан кечиринг. Ўлкаимизнинг турли худудлари номлари акс этган ёзувлардаги имловий хатоларни изоҳлаш ортиқча. "I love Uzbekistan", "I love Tashkent" ёки қўйиб берсак, зр-тага "I love Эшимқосқ", "I love Така" ва яна... дея катта йўл бўйларига кўнги-лларига келган ёзувларни ўрнатиб ташлашга тайёр турганлар, наҳотки, "Хўш келибсиз, Ўзбекистонга!" ёки "Ўзбекистон — Ватаним меним!" каби юракларни титроққа солгувчи абади-ятга дахлдор битиклар ҳам борлигини унутган бўлсалар!

Озод ҚАРВОН

P.S. Энг қизиғи, Ватанга муҳаббатнинг ажнабийча изҳори тўғрисида қанчалик бонг урилмасин, оммавий ахборот воситаларидан тортиб ижтимоий тармоқларгача муҳокамаларда асосан салбий муносабат билдирилганига ҳам қарамай, соҳага масъул мутасаддилар миқ этмаётгани ажабланарли. Қайтанга, ушбу урф янада омма-лаштирилаётгандек таассурот қолдирапти. Вазият шундайки, беихтиёр "юрракча"лар сосяси-да кимлар турибдидикан, деган савол келади хаёлга. Элимиз айтганидек, оғир тош ҳам ахийри бир кун кўчади. Кўчгандаям ёмон кўчади...

Ватанни севиш учун "юрракча" ясаш шарт эмас!





Бошланиши 1-саҳифада.

Мисол учун, 1993 йил январда Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон давлатлари ҳамкорлигида Оролни қутқариш халқаро фонди тузилди. 2008 йил декабрдан бошлаб фондга БМТ Бош ассамблеясида қузатувчи мақоми берилган. Халқаро фонд аъзоларининг лойиҳани амалга ошириш учун 2003-2010 йилларда қўшган ҳиссалари 2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, анжуман иштирокчилари, улар орқали бутун дунё ҳамжамиятини эътиборини яна бир бор бугунги куннинг энг ўткир эко-

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан Орол бўйи аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, 2017 йили Мўйноқ туманига 101 километрдан ичимлик суви қувури тортиб келтирилган эди. Орол бўйи дала гидрогеологик экспедицияси томонидан бу йил Мўйноқ туманида 40 та табиий ичимлик суви манбаларини очиб режалаштирилган. Ҳозирда аҳолининг асосий қисми артезиан қудуқларидан чиқаётган сувни истеъмол қилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ер ости сувлари Чимбой, Тахтақўпир, Қораўзақ туманларида ҳам мавжуд. Уларни махсус усуналар ёрдамида тозалаш, ичимлик суви сифатида фойдаланса бўлади.

Амалга оширилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар минтақа аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳукуратимизнинг умуммиллий ҳаракатга биз ҳам дахлдормиз

О'zLiDeP ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ ОБОД ҚИЛИШГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШЯПТИ

логик муаммоларидан бири – Орол ҳалокати қаратди. "Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш тақозо этмоқда. Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз", деди Президентимиз ўз чиқишида.

Мамлакатимизда Орол бўйи минтақасида экологик ва иқтисодий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга, денгизнинг қуриши оқибатларини юмшатишга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. 2017 йил 18 январда давлатимиз раҳбари "2017-2021 йилларда Орол бўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон Орол бўйи ҳудудидан бири кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш. Оролнинг қуриб қолган ҳудудига саксовул ва бошқа шўрланишга чидамли ўсимликлардан иборат 350 минг гектарлик бутазорлар барпо этилди. Бундай ҳудудларнинг умумий майдони ҳозирги кунда 700 минг гектарни ташкил этмоқда.

Орол денгизи инқироzi оқибатларини юмшатиш ва Орол бўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида 500 тадан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг ярмидан кўпи миллий лойиҳалардир.

2018-2021 йилларда Орол бўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича давлат дастури қабул қилинган ҳам эътиборга молик. Шу билан бирга, Ўзбекистон Орол бўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ташкил этиш борасидаги ташаббусни илгари сурди ва бу БМТ томонидан қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбарининг тақлифи ва ташаббуси билан минтақада чўл шароитига чидамли ва озука ўсимликлари кўчатларини етиштириш бўйича минтақавий марказ ташкил қилиш, 10-12 йил давомида денгизнинг қуриган қисмини даракхазор ва бутазорларга айлантириш ва шу аснода янги унумдор яйловлар яратиш, чорвачиликни изчил ривожлантириш ва ўн минглаб одамларни иш билан таъминлаш, Орол бўйида муҳофазат қилинадиган трансчегаравий табиий ҳудудлар ташкил этиш, сувни тежаш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларидаги минтақавий ҳамкорлик даражасини кескин ошириш, Орол денгизи ҳудудидagi сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўзаро маъмул ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш учун барча зарур шароитларни яратиш ва шу каби бир қатор ишларни амалга оширишга киришилди.

Эзгу ният, хайрли ташаббус, қўлни қўлга бериб қилинаётган саъй-ҳаракатлар табиатга ҳам хуш келди чоғи, йил бошида Орол денгизининг тубидан чучук сув манбаси топилиши ҳақидаги хушxabар тарқалди. Мўйноқ туманидан 200 километр, Нукусдан 400 километр масофада жойлашган ҳудуддан отилиб чиққан сув фаввораси минтақа аҳли дардига бефарқ бўлмаган барча холис ниятли кишилар қаторида денгизнинг сув қайтган соҳилларига саксовул экиш учун республикамизнинг барча ҳудудларидан келган мингдан ортиқ ҳашарчиларни ҳам хушнуд этгани рост.

Саксовулзорлар қуриган Орол тубидан кўтариладиган туз бўронларининг олдини олади. Шу йил 500 минг гектар ерга саксовул экиш белгиланган бўлиб, жараён бир гуруҳ тадқиқотчи-мутахассислар бошчилигида олиб борилмоқда.

Орол денгизи ўрнида саксовулзорлар бунёд қилаётган юрдошларимизни қўллаб-қувватлаш партияимиз диққат марказида турган масалалардан саналади.

Кўни кеча яна бир эзгу ташаббус ҳақида хабарлар тарқалди. О'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш давлат қўмитаси вилоят бошқармасининг Орол бўйи ҳудудларида ишлаётганларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қизгин даъватларини партияимиз фаоллари, хайрихоҳлари, тадбиркор ва фермерлар хушнудлик билан кутиб олишди. Уларнинг ҳаммиси беминнат кўмакка шайлиги амалда намоён бўлди. Гўш, мева-сабзавотлар, ўсимлик ёғи, гуруч ҳамда ичимлик суви – жами 12 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари тўланди.

Жиззах воҳаси фермерлари, чорвадорлари етиштирган маҳсулотларни ишчио ҳашарчиларга етказишга чоғланганларни Мўйноққа қузатиш олдидан О'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши биноси олдида йиғилиш бўлиб ўтди. Партия фаоллари, депутатлар, тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари қатнашган тадбирда Орол фожиаси, минтақада истиқомат қилаётган аҳоли дардига юрдошларимиз асло бефарқ эмаслиги, фалокат оқибатларини бартараф этиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар тўлиқ қўллаб-қувватланиши ҳақида сўз юритилди.

Озиқ-овқат ортилган автокарвон билан биргаликда вилоятнинг таниқли санъат ва маданият ходимлари ҳам партиядошларимиз билан бирга Орол бўйига йўл олишди. Улар ишчиларга ўзлари тайёрлаган дастурларини намойиш этиб, ҳордиқ оларини мазмунли ўтказишни ният қилишган.

– Мўйноқда мислсиз бунёдкорликлар амалга оширилаётган бир пайтда партияимиз шунчаки қузатувчи бўлиб қололмайди, албатта, – дейди О'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши раиси Эркин Холматов. – Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Орол бўйи минтақасини обод қилишга ўз ҳиссамизни қўшайлик" мавзусида тартибот тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказдик. Чақириларимиз электротимиз вакиллари бефарқ қолдирмади. Ҳиммати баланд, олижаноб инсонлар орамизда жуда кўп-лигига яна бир бора ишонч ҳосил қилдик. Ана шундай ғамхўр юрдошларимиз Орол бўйи минтақасида юзага келган мураккаб экологик вазият оқибатлари бартараф этилишига кўмаклашишга аҳд қилдилар, беминнат ёрдам қўлини чўздилар. Оролнинг қуриган ҳудудларига саксовул ва бошқа ўсимликлар экиш билан шугулланаётган одамлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари юборилди. Мададимиз шу билан чекланиб қолмайди. Бу йўналишдаги ишларни изчиллик билан давом эттираемиз.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аппарати ходимларининг маълум қилишича, Жиззахдан йўлга чиққан карвон кеча Мўйноққа етиб борди. Бугун партияимиз вакиллари маҳсулотларни сидқидилдан ишлаб, саҳрони бутазорларга айлантираётганларга тарқатишди. Ишчилар бундай эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда мамнун эканликларини изҳор қилишмоқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
Бехзод ИСРОИЛОВ,
"XXI asr" мухбирлари

“Бизнес юритиш” рейтингини: Ўзбекистон 20-ўринга кўтарилди!

Жаҳон тараққиёти тенденциялари шунинг кўрсатмоқдаки, ривожланиш тўлкинидан бироз четда қолган давлатлар қулай инвестиция муҳитини яратиш йўли билан нафақат тезда ўзини ўнглаб олмақда, балки бошқа давлатларга ҳам сармоя киритиш даражасига кўтарилмоқда. Шу маънода юртимизни имкониятлар мамлакатига десак муболага бўлмайди. Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган очкилик сиёсати туфайли хорижий сармоядорларнинг биз билан ҳамкорликда ишлашга қизиқиши кучайиб бораётганига ҳар биримиз гувоҳимиз.

Мамлакатимизда фаол инвестиция муҳитини яратиш ўз-ўзидан бўлиб қолмаслиги кундек равшан. Бунинг учун муайян стратегиялар, йўл хариталари ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга ошириб борилаётган. Жумладан, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори шу йўлдаги амалий қадамлардан бири бўлди.

Кейинги беш йилда тадбиркорлик соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг ижобий нуфузини ошириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" рейтингини Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та давлати орасида 146-ўриндан 76-ўринга кўтарилган барчамизга мамнуният бағишлайди. Айни пайтда бу муваффақиятдан қаноатланмаслигимиз, ўзимизга муносиб ўринни банд этиш борасида саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришимизга талаб этилади. Шунинг учун ҳам ҳали-ҳануз амалиётда сақланиб қолаётган қурилишга руҳсатномалар олиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш ва ташқи савдо операцияларини амалга ошириш бобидagi ортиқча бюрократик тартиб-таомилларга барҳам бериш давлат сиёсати даражасида кўрилмоқда.

Президентимизнинг мазкур қарори билан "Бизнес юритиш"ни яхшилаш – 2022" мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. 2022 йилга бориб республикамизнинг бу нуфузли рейтингда 20-ўринга эришиши назарда тутилмоқда. Шу мақсадда бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

2019 йил 1 мартдан эътиборан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида: банклар Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб, ариза берувчиларни масофадан туриб идентификация қилиш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлганда таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган юридик шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида банк ҳисобрақамларини масофадан туриб очиши мумкин.

Шунингдек, қурилиш учун руҳсатномалар олиш соҳасида: ер участкасида қурилиши таққиланган ёки руҳсат этилган объектлар турларининг тўлиқ рўйхатини мажбурий тарзда кўрсатиб, "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасига аукцион орқали қўйилганда, ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш тартиби бекор қилинади; қурилиш органларига архитектура-шаҳарсозлик кенгашиларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш функцияларини ушбу кенгашларда фақат тарихий ҳудудлар, шу жумладан, маданий мерос ёдгорликларини кўриқлаш ҳудудлари, шунингдек, давлат объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш функцияларини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади; "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукцион орқали

реализация қилинган ер участкаларидаги қурилиш объекти фойдаланишга топширилганидан сўнг амалга оширилаётган топографик ва махсус суратга олишларни (зарур ҳолларда) янгилаш ишларининг қиймати ер участкаларини реализация қилишдан тушган маблағлар доирасида ер участкалари ва кўчмас мулк эгалари фаолиятига аралашмаган ёки тўққинлик қилмаган ҳолда тўланади; қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далелатномаси кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома кўчирмаси билан бир вақтда берилади.

Қарорда истеъмолчиларни электр таъминотидан руҳсатсиз узганлик учун иқтисодий санкциялар қўлланилиши ҳам белгиланган.

Мулкни рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги янги тартиб-таомилларга кўра: кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастр ҳисобини юритиш учун ариза экспертириаллик принциплари асосида берилиши мумкин; жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулк объектлари бўйича битим ва кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини олиш билан боғлиқ гувоҳномаларни нотариал тартибда тасдиқлаш учун мурожаат қилганда, нотариал идоралар мажбурий тартибда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани ва тегишли ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ахборот-коммуникация тизимлари орқали бепул асосда юборади; кўчмас мулк объектининг кадастр йиғмажилди ва кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун электрон шаклда мурожаат қилиш ва тайёрлаш механизмининг жорий этиш орқали қўғоз шаклида мурожаат қилиш ва кадастр йиғмажилдини бериш тўғрисидаги талаб бекор қилинади.

Миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳам бир қатор энгилликлар назарда тутилган. Жумладан, акциядорларга йирик битим ва аффилиланган шахслар билан қиймати жамият соф активлари миқдорининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил қилувчи битим тузиш натижасида жамиятга етказилган зарар учун қузатув кенгашининг манфаатдор аъзосини суд тартибиде жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилади. Массулияти чекланган ёки қўшимча масулиятга жамият фолияти юзасидан қайсидир масалада келишувга эришилмагани сабабли қарор қабул қилиш учун етарли овоз бўлмаганда, вужудга келган зиддиятчи вазият суд тартибиде ҳал этилади. Акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни Қимматли қўғозлар марказий депозитарийси ёки инвесторция воситачилари орқали тўлаш механизми жорий қилинади.

Қарорда белгиланганидек, халқаро савдо соҳасидаги ўзгаришга асосан, эндиликда товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни бериш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг ариза-декларацияси асосида, ариза топширилган вақтдан бошлаб бир иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда Савдо-саноат палатаси томонидан ҳам амалга оширилади.

Қарорда контрактлар ижросини

таъминлаш соҳасида ҳам янгича меъёрлар қўзда тутилган. Масалан, иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш имконини берувчи тартиб жорий этилади. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда, маъмурий ва иқтисодий судларда фуқаролар томонидан амалга оширилаётган барча тўловларни, шу жумладан, давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашни яна электрон тизими татбиқ қилинади.

Тадбиркорларнинг ишини энгиллаштириш мақсадида 2019 йил 1 мартдан эътиборан бир неча тартиблар бекор қилинмоқда. Хусусан, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босилиши ёки ҳужжатларнинг муҳр билан тасдиқланишини талаб этиш; қурилиш-монтаж ишларининг бошланиши ҳақида хабардор қилиш механизмининг жорий этиш орқали уларни амалга ошириш учун руҳсатнома олиш; оммавий офертани татбиқ қилиш орқали қурилиш соҳасини назорат этувчи худудий инспекциялар томонидан шахарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шахарсозлик фаолияти соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва тўлиқлиги устидан назорат функцияларини бажариш юзасидан шартномалар тузиш тартиблари ўз қисмини тўлади.

2020 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида шахарсозлик фаолияти объектини қуриши лойиҳалаштириш учун меъморий-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш ер участкасини "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилиш учун материаллар тайёрланаётганда амалга оширилади ва аукцион голлибга бепул асосда берилади. Меъморий-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг қиймати маҳаллий бюджет маблағларидан, кейинчалик харажатларни ер участкасини "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилишдан келиб тушган маблағлардан қоллаш орқали тўланади.

Интернет тармоғида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботи сўровномалари асосида 10 та индиктор кесимида қатъий белгиланган ахборотларни ўз ичига олган, шунингдек, респондентлар – тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар бериш имконини таъминловчи "Ўзбекистонда бизнес юритиш" веб-сайтини очиб (2019 йил 1 апрелга қадар), электрон рақамли имзо билан бир қаторда, шу жумладан, мобил қурилмаларда шахсни идентификация қилишнинг замонавий шаклларини қўллаш имкониятлари юзасидан асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш (2019 йил 1 майга қадар) ҳам мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини яратишга хизмат қилади.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботидаги индикторлар доирасида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида аҳолига, хусусан, тадбиркорларга тушунтириш эса биз депутатларга ҳам алоҳида масулият юклайди. Айниқса, қарор ижросини таъминлаш борасида ҳар биримиз ўз ваколатимиз доирасида таъсирчан чораларни қуришимиз Ўзбекистоннинг 2022 йилга бориб нуфузли халқаро рейтингда 20-ўринга кўтарилиши, иқтисодиётимизга фаол инвестициялар жалб этилиши ва пировардида халқимиз фаровонлигига эришиш йўлида қўшган ҳиссамиз бўлади.

Лутфулла УБАЕВ,
халқ депутатлари
Шайхонтоҳур туман
Кенгаши депутати

O'zLiDeP ташаббуси

Аҳолига амалий ёрдам

партияга ишончни оширади

Аввал хабар қилганимиздек, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг худудий ташкилотлари ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ечимини топишга қўмаклашиш мақсадида меҳнат жамоаларида учрашувлар ташкил қилиб, кичик ва маҳаллаларда уйма-уй юриб, аҳоли билан жонли мулоқотлар ўтказди. Қуйида Бухоро, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ўтказилган юзма-юз мулоқотлар тафсилоти хусусида сўз юритамиз.



Муаммо бор, ечим ҳам

БУХОРО вилоятида фаолият олиб борган ишчи гуруҳ дастлаб Бухоро шаҳридаги "Дилум нур строй", "Моҳигулбегим омад файз", "Строй само" масъулияти чекланган жамиятлари меҳнат жамоалари билан учрашди. Қизгин кечган мулоқотларда корхоналар раҳбарлари, ходимлари хусусий секторга дахлдор ислохотлардан мамнун эканликлари билдирилди, айрим муаммоларни ҳам тилга олдилар, уларни ҳал қилиш бўйича асосли таклиф-тавсияларни илгари сурдилар. Сафдошларимиз мазкур масалаларга тегишли ташкилотлар диққат-эътиборини қаратиб, уларга ечим топилишини назоратга олишди.

Вилоят марказидаги санъат коллежида ишбилармонлар билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ортқча расмиётчиликлардан холи, самимий фикр алмашувларда бўлиб ўтди. Тадбиркорлар айрим баҳоли масалаларни ўртага ташладилар. Хусусан, "Бухоро уй қурувчилар" уюшмаси раиси О. Зарипов тадбиркорларни солиқ тўлови билан боғлиқ баъзи муаммолар ташвишга солаётгани тўғрисида гапирди. Қурувчилар тайёр турар-жойни сотишга руҳсат олганидан сўнг миқдор билан олди-сотди амалиётида ҳар икки томондан 12 фоиздан уй-жой солиғи ушлаб қолинапти. Мазкур тартиб-қоида қурилиш фирмаларининг фойда олишини чеклаб қўймоқда. Муаммони жойида ўрганган партияимиз вакиллари ушбу масала юзасидан тегишли ташкилотларга сўров йўллашга келишиб олдилар.

O'zLiDeP фаолларининг навбатдаги мазли **Бухоро муҳандислик-технология институти** бўлди. Сафдошларимиз тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларнинг саволларига жавоб қайтаришди, уларнинг хоҳиш-истакларини ўрганишди. Беҳзод Акрамов тикувчилик цехи ташкил этиб, бир неча тенгдошининг бандлигини таъминлаш ниятида. Лекин ускуналар учун зарур маблағни топишга қийналяпти. Унга бу борада ёрдам беришни вилоят кенгаши депутати Ш. Маҳмудов ўз зиммасига олди.

Ишчи гуруҳ аъзолари, шунингдек, **Когон туманида** ҳам бўлиб, одамларнинг дарду ташвишларига қўлоқ тутди. Тадбиркор Саодат Намозовнинг маълум қилишича, у 2018 йили тижорат банкидан 800 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, мактабга таълим муассасаси

қуришни бошлаган. Лекин ички йўллар носозлиги туфайли боғчани фойдаланишга топириш чўзилиб кетяпти. Ишчи гуруҳ аъзолари ушбу масалага мутасаддилар эътиборини қаратдилар, унинг ҳал қилинишини назоратга олдилар.

Қоровулбозор туманида фаоллар жорий йилда туманда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари билан танишишди. Шу йил охирига қадар "Бўзачи", "Имом ал-Бухорий", "Навбахор", "Чўлуқвар" маҳалла фуқаролар йиғинлари худудида 16 та инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ қилинади. Шунинг баробарида тадбиркорлар С. Умаров, Э. Амонов, М. Қозоқов, М. Самадов, И. Эгамов, Р. Болтабоев, С. Ваҳобовларнинг савий-ҳаракати билан иссиқхоналар қурилиши, кемпинг хизматлари, чорвачилик фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган. Бироқ, маълумки, инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида, бекаму кўст амалга оширилиши кўпгина омиллар, жумладан, банклардан тегишли миқдордаги кредитларнинг ажратилиши, зарур хомашё ва қурилиш материалларининг узлуксиз етказиб берилиши билан боғлиқ. Айнан ана шу масалаларда камчиликлар борлиги айтилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган аҳоли масканлари, жумладан, **Бухоро туманида**ги Шехон ва Хўжахайрон, **Когон туманида**ги Сухор, **Шофиркон туманида**ги Вардонзе, **Деҳқонobod, Ревғари, Пешку туманида**ги Захкаш, Янги ҳаёт, **Ромитан туманида**ги Дилрабо, Қуйи Хоса, Юқори Хоса, **Вобкент туманида**ги Арабхона қишлоқларида ҳам бўлиб, турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал қилинишига ҳисса қўшишди.

– Бу каби ошқора, самимий руҳда кечган учрашувлар, ўрганишлардан муайян хулосалар чиқардик, – дейди **O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Сиёсий таълим маркази раҳбари, ишчи гуруҳ аъзоси Насимжон Алимов**. – Аввало, юрдошларимизнинг тадбиркорликка иштиёқи кучаяётгани хайрлидир. Уларни қўллаб-қувватлаш учун бутун салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур. Таҳлиллардан шу ҳам маълум бўлдики, баъзи худудларда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши кераклиги хусусидаги тамойилга риоя қилинмаяпти. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун партия ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кенг қамровли, тизимли иш олиб бориши, хусусан, амалдаги ва қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга эътиборни

янада кучайтириш керак. Таъкидлашим жоизки, одамлар билан бевосита мулоқот қилиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар бартараф этилишига қўмаклашиш бундан кейин ҳам партияимиз фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бўлиб қолаверди. Зеро, сиёсий куч амалий ишлари билангина ўзига билдирилатган ишончни оқлаши мумкин.

Гулистонликларнинг нимадан кўнгли тўлмаяпти?

СИРДАРЁ вилоятида бўлган ишчи гуруҳ аъзоларининг Гулистон туманидаги Соҳилгоб маҳалласида бўлиб ўтган навбатдаги мулоқоти асосий кўча четидаги майдончада ўтказилди.

Соҳилгобликлар, аввало, маҳаллада ичимлик суви борасида мавжуд муаммони ўртага ташладилар. Маълум бўлишича, худудни ичимлик суви билан таъминлаш бўйича белгиланган лойиҳа муддатда амалга оширилмаган. Уларнинг айтишича, бажарилган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Тортилган қурувларнинг бир неча жойидан сув сизиб чиқаётгани бунга яққол далилдир. Фаолларимиз ушбу масалани мутасадди ташкилотлар билан чуқур ўрганган ҳолда унинг ечими бўйича зарур чоралар қўрилишини билдиришди.

Шу маҳаллада яшовчи Юсуф Қўшиевнинг айтишича, қишлоқда йўлқалар йўқлиги туфайли мактаб ўқувчилари автомобиль йўли ёқалаб юришга мажбур бўлишмоқда. Амирқул Бегматов эса хонадонларни иситиш учун ўтиндан фойдаланиш оқибатида қишлоқда дарахтлар камайиб кетаётганини куйиниб гапирди.

Мулоқотда энг кўп тилга олинган мавзу эса тиббий хизмат борасидаги камчиликлар бўлди. Бундан ташқари, 640 ўринли мактабда амалда 840 нафардан зиёд болалар ўқийётгани ҳамда ўқувчилар сони ийлига қарийб 60 нафаргача ортиб бораётгани инобатга олинса, маҳалла учун қўшимча мактаб биносига эҳтиёж нечоғлиқ юқори даражада эканлиги ҳам айтилди.

Шу туманининг Уювли қишлоғи аҳли билан юзма-юз мулоқотда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган унинг сифатини ошириш масаласи кўтарилди. Шу билан бирга, аҳолининг маҳаллага автобус қатновини йўлга қўйиш, газ таъминоти, тиббий хизматни яхши-

лаш, йўлларни тартибга келтириш бўйича талаблари ҳам эшитилди.

Ана шу масалалар ҳам мутасаддилар иштирокида атрофлича кўриб чиқилиб, имкон борича кечкиртирilmay ечим излашга келишиб олинди.

– Мулоқотлар чоғида қонунларимиз мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш ишларини ҳам олиб бораемиз, – дейди **ишчи гуруҳ аъзоси, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходими Самидулла Маҳмудов**. – Айни чоғда аҳоли таклиф-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда, баъзи қонунларимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳам фикрлар олинмоқда.

Партияимиздан сайланган депутатлар иштирокида Гулистон шаҳрида ҳам мулоқотлар ўтказилди. Учрашувлар чоғида вилоят марказидаги "Болалар шаҳарчаси" тарбияланувчилари учун ёпиқ турдаги спорт иншооти зарурлиги юзасидан кўтарилган масала Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди идоралар эътиборига ҳавола қилинадиган бўлди.

"Биз учун иккинчи даражали масала йўқ"

ТОШКЕНТ вилояти Янгийўл туманида бўлиб ўтган учрашувларда партияимиз вакиллари Президентимизнинг парламента йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, унда белгилаб берилган устувор вазифалар амалга оширилишига сиёсий куч қўшаётган ҳисса хусусида атрофлича сўз юритишди, фуқаролар саволларига жавоблар қайтаришди.

Миллий хунармандчилик ва дизайн касб-хунар коллежида ташкил қилинган очик мулоқотда "Сувоқева" корхонаси филиали, туман газ ва электр тармоқлари корхоналари ва бошқа талай ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашдики, бу ўртага ташланган масалаларни ҳолисона таҳлил қилиш, аксарият муаммолар ечимини тезда топиш имконини берди.

Учрашувда, айниқса, кўчмас мулклар – уй-жой, бино, иншоотларнинг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун бузилиши туфайли ер участ-

калари ажратиш, компенсация билан боғлиқ масалалар кўп тилга олинди. Тегишли идоралар вакиллари муаммоларнинг ҳал қилинишини зиммаларига олишди.

Мулоқот асосида "Ҳақиқат" маҳалласида насос қувурлари ётқизилмагани ва автомобиль йўлларида пидедалар ўтиш жойи йўқлиги ҳам айтилди. "Қўштепа" маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги Яқкатол кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли куну тун хавотирда, десак муболага бўлмайди. Чунки электр кабеллари тортилган симёғочлар жуда эскириб қолган. Бироқ уларни янгиларига алмаштириш юзасидан қилинган мурожаатлар жавобсиз қоляпти. Мазкур муаммолар бўйича мутасаддиларга депутатлик сўровлари юбориладиган бўлди.

Ишчи гуруҳ томонидан "Озод" маҳалласида яшовчи 103 яшар Патила ая Эрматовга ногиронлик аравачаси топширилди. "Истиқлол" маҳалласидаги фуқаролар талабига кўра, 200 метр узунликдаги сув қувурлари уланди.

– Аҳоли билан мулоқот пайтида қайд этилган ҳар бир масаланинг ҳал қилиниши, у катта ё кичиклигидан қатъи назар, доимий назоратга олинган, – дейди **ишчи гуруҳ аъзоси, партия Тошкент вилояти ташкилоти ходими Иброҳим Холматов**. – Бу борада ҳар бир маҳалла кесимида алоҳида мониторинг юритилапти. Шунингдек, ишчи гуруҳлар зиммасига "Обод қишлоқ" дастурига киритилган худудларда илгари партияимиз вакиллари томонидан аниқланган муаммолар қай даражада ҳал этилганини назорат қилиш, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурида баён этилган вазифалар бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш, ўтган йилги мурожаатлар ҳал этилиши юзасидан мониторинг юритиш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг кластерларга айланиши билан боғлиқ ҳамда худудларда хусусий тиббиётни ривожлантиришга доир масалаларни атрофлича ўрганиш, муаммоларнинг ечими борасида таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш сингари бир қанча вазифалар ҳам юқланган эди. Ана шу ишларни бажаришга йўналтирилган фаолиятимиз ҳам самарали бўлди.

O'zLiDeP матбуот хизмати тақдим қилган маълумотлар асосида тайёрланди.



Анжуман

Қуёнчилик ассоциациясига асос солинди



Пойтахтимиздаги "Ўзкўрғазма-савдо" марказида Ўзбекистон қуёнчилик хўжалиқлари ассоциацияси таъсис йиғилиши ўтказилди. Унда тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, "Микро-кредитбанк", Савдо-саноат палатаси мутасадди ходимлари ҳамда қуёнчилик хўжалиқлари вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

– Ассоциацияни ташкил этишдан мақсад – кўчаларни бирлаштирган ҳолда мазкур соҳани янада ривожлантириб, халқимиз дастурхонидан парҳезоб ҳамда сифатли, арзон гўшт маҳсулотларини кўпайтиришдир, – дейди Ўзбекистон қуёнчилик хўжалиқлари ассоциацияси ташаббускор-ташкилотчиси, "IBRA-KROL" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдураззоқ Ибрагимов. – Ҳозирда бу борада Қибрай туманида кенг қамровли ишлар кетяпти.

Жумладан, Германиянинг "Далмант" компанияси худудга тўғридан-тўғри инвестиция киритяпти. Бундан ташқари, Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро вилоятларида ҳам айни лойиҳа устида иш кетмоқда.

Анжуман ташкилотчиларининг айтишича, шу кунларда қуёнчилик ривожини юзасидан илмий тадқиқот институтлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Яъни, Германия, Россия тажрибаси асосида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизими жорий этилади.

Яқин режалар эса 2021 йилда 4 минг тонна қуён гўшти етиштириш мўлжалланаётган бўлса, 2028 йилда бу кўрсаткич 200 минг тоннага етиши кутуляпти.

Солижон ЗОИРОВ, "XXI asr" мухбири Муаллиф олган суратлар.



Кластер

Қулай, самарали ва
замонавий услуб

Президентимиз мамлакатимизнинг турли ҳудудларига ташрифлари давомида пахта-тўқимачилик, кўп тармоқли sanoat, туризм, тери хомашёсини қайта ишлаш ва чарм-пойабзал, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва экспорт қилиш, агросаноат мажмуаси ва бошқа йўналишларда кластерлар барпо қилиш зарурлигини, бу тизим барча туманларда аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаган эди.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, яқин истиқболда мамлакатимиздаги пахта етиштирувчи 133 тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтади. Янги ташкил қилинаётган кластерлар томонидан 41 та корхона ташкил этилиб, 25 мингга яқин иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, бугунги кунда кластер йўналиши нафақат пахтачилик, балки иқтисодийнинг барча тармоғи учун ҳам истиқболли эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Кластернинг моҳияти нимада? Уни ҳаракатлантирувчи механизм ҳақида нималарни биламиз?

– Илмий-назарий нуқтаи назардан қаралганда кластер – муайян йўналишдаги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасининг етарлича маҳаллийлаштирилган ўзаро алмашинувчи элементи саналади, – дейди Самарқанд давлат университетининг иқтисодий назара

рия кафедраси мудири Исроил Эргашев. – Иқтисодий кластер – муайян бир ҳудудда жамланган ўзаро алоқадор корхона ва ташкилотлар, жумладан, маҳсулотлар етказиб берувчи, бутловчи, қайта ишловчи ва турли маҳсул хизматларни кўрсатувчи фирмалар, компаниялар, шунингдек, банклар, илмий-тадқиқот институтларидан ташкил топади. Иш юритишнинг бундай услуби алоҳида олинган ҳар бир корхона ва умуман, кластернинг рақобатбардошлигини кучайтиради. Кластернинг ўзига хос хусусиятларига ундаги корхоналар ўртасидаги ўзаро рақобатнинг мавжудлиги, иштирокчилар кооперацияси, ҳудуднинг ўзига хос устунликларини шакллантириш, муайян бир ҳудудда корхоналар ва ташкилотларнинг концентрацияси вужудга келиши кабиларни киритиш мумкин. Мазкур тизим тадбиркорлик тузилмалари учун йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок

этиш, қўшимча даромад олиш, янги бозорларга чиқиш, инновацияларни жорий этиш бўйича харажатларни қисқартириш, ҳодимлар малакасини ошириш ва рақобатбардошликни оширишга имкон яратади.

Дарҳақиқат, назарийчи олим қайд этганидек, кластернинг афзалликлари кўп. Хўш, ана шу устун жиҳатлар амалиётда, яъни мамлакатимиз шароитида қай даражада рўйбга чиқарилган?

Утган йили Самарқанд вилоятида битта пахта-тўқимачилик кластери фаолият бошлаган эди. Нарпай туманида фаолият юритиб, хомашёдан ип-калава ишлаб чиқарувчи ва уни экспорт қилиш билан шугулланувчи “Мароқанд сифат” масъулияти чекланган жамияти ана шу кластер таркибига кирувчи йирик корхоналардан биридир.

– 2018 йилда 22 та фермер хўжалиги билан жами 19 минг 474 тонна пахта хомашёси учун шартнома тузганмиз, – дейди мазкур корхона раҳбари ўринбосари Рустам Ҳамроев. – Хужжатни имзолаш билан кифояланиб, ҳосил йиғилишини кутиб ўтирмадик. Фермерларга ғўзаларни парваришладан тортиб, техникаларни тузатишгача бўлган жараёнларда кўмак бердик. Шартномада кўрсатилган маблагнинг 60 фоизини олдиндан ер эгалари ҳисобига ўтказдик.

Қолганини хомашёни олганимиздан кейин тўладик. Ҳозир фермерлардан қарзимиз қолмади. Ишнинг ана шундай йўсинда олиб борилишидан улар ҳам хурсанд, биз ҳам. Утган йили томчилатиб суғориш асосида 50 гектар майдонда пахта етиштирдик. Натига яқин бўлди. Бу йил чигит қадаладиган майдонларни яна 1 минг 500 гектарга кенгайтирмоқчимиз. Бу режамизнинг амалга ошиши 180 кишини доимий иш билан таъминлайди. Жорий йилда ишга тушириладиган ёғ-мой корхонасида эса 100 дан ортиқ киши ишлайди. Ҳозирча чигит қадашдан бошлаб, ип-калаваларни буюшгача бўлган ишлар бажарилляпти. Эндиликда мато ишлаб чиқариш ва кийим-кечалар тайёрлашни ўзлаштирмоқчимиз.

Мутасаддиларнинг маълум қилишича, жорий йилда вилоятдаги 75 минг гектар майдонда етиштирилаётган пахта хомашёси янги ташкил этилаётган 9 та пахта-тўқимачилик кластери таркибига кирувчи корхоналарда қайта ишланиши мўлжалланяпти. Шунингдек, утган йили вилоятда 17 та мева-сабзавотни қайта ишловчи кластер фаолият юритган. Бу йил улар қаторига янгилари қўшилади.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

Ҳисобот

Президентимиз 2017 йил 13 июнда судьялар билан ўтказилган учрашувда суд тизимидаги вазиятни таҳлил қилиб, истиқболдаги вазифаларга тўхталган эди. Хусусан, жиноят ишларининг камида 30 фоизини сайёр суд мажлисларида кўриш амалиётини жорий этиш, ҳар қайси судьяни кейинги муддатга тайинлашда аҳолининг, кенг жамоатчиликнинг фикри албатта инобатга олинishi, судья ўз фаолияти юзасидан маҳаллий кенгашларда ахборот бериб бориши, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан берилган тавсиянома Судьялар олий кенгаши учун асосий ҳужжатлардан бири бўлиб хизмат қилиши кабилар шунлар жумласидандир.

Судьялар депутатларга
ахборот берди

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси ҳамда O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилишида ушбу жиҳатларга яна бир бор эътибор қаратилди.

Қўшма йиғилишда Хоразм вилоят Жинорий ишлар бўйича суд райси Б. Умаров, Маъмурий ишлар бўйича суд райси У. Расулбедиев, Фуқаролик ишлари бўйича суд райси Ж. Нафасов, Иқтисодий ишлар бўйича суд райси вазифасини бажарувчи М. Бобоназаровларнинг 2018 йилдаги фаолияти борасидаги ахборотлари тингланди.

Хоразм вилоят Иқтисодий ишлар суди томонидан 2018 йилда 11 922 та ёҳуд кўрилган ишларнинг 75 фоизи сайёр суд мажлисларида – корхона ва ташкилотлар биналарида, фермер хўжаликлари дала шийпонларида, тадбиркорлик субъектларида ўтказилган бўлса, Жинорий ишлар суди томонидан 132 марта сайёр қабуллар ташкил этилган. Бу кўрсаткич Фуқаролик ишлари бўйича Богот, Шовот ва Урганч туманлараро судларида 3 000 дан ошади. Маъмурий судлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолият самарадорлигини кучайтириш мақсадида 11 753 та ёки 46,7 фоиз маъмурий ҳуқуқбузарликка оид масалалар айнан сайёр суд мажлисларида кўрилган.

– Сайёр суд мажлислари аҳолининг суд-

ларга бўлган ишончини оширишга хизмат қилмоқда, – дейди Хоразм вилоят Жинорий ишлар бўйича суди райси Б. Умаров. – Аммо сайёр суд мажлисларида асосан аҳолининг элита қатлами иштирокини кўраёلمиз. Ваҳоланки, мазкур судларга жиноят содир этишга мойил ҳамда муқаддам судланганлар, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар иштирокини тўлиқ таъминлаш зарур. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида маҳаллалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш керак.

Йиғилиш давомида судлар фаолияти таҳлил қилинган, мавжуд муаммолар ҳам атрофлича ўрганилди. Жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича суд ахбороти тингланганда аҳолидан тушаётган мурожаат ва шикоятларни ҳал қилишда улардаги мавжуд штат бирликларида фаолият юритаётган судьяларнинг иш ҳажми кўплиги бўйича республикада энг юқори ўринда туришини инобатга олган ҳолда нафақат Хоразм вилоятида, балки ҳар бир вилоятнинг аҳоли сонидан келиб чиқиб штат бирликларини қайта кўриб чиқиш ва қўшимча штат бирликлари ажратиш зарурлиги таъкидланди. Бу масала юзасидан асослантирувчи маълумотлар тўпланиб, Судьялар олий кенгашига таклиф киритишга келишиб олинди.

Илбс АБДУЛЛАЕВ,
Халқ депутатлари Хоразм вилоят
Кенгашидаги O‘zLiDeP
депутатлик гуруҳи аъзоси

Сайёр қабул

Мурожаат
қаноатлантирилди

Гулдола Алимова Шахрихон туманининг Муллабой маҳалласида истиқомат қилади. Қармоғидаги болаликдан ногирон опаси учун доимий парвариш – патронаж ҳамширасининг кўмаги сув-хаводек зарур.

O‘zLiDeP Шахрихон туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган сайёр қабулда у ана шу муаммосига ечим сураб мурожаат этди. Қарабсизки, масала ҳал – унинг қармоғидаги имконияти чекланган опасига ҳамшира бириктирилди, тадбиркор Умиджон Мамажонов эса кўмир ёқилгиси билан таъминлашни зиммасига олди.

Зулхумор Раҳимованинг ҳам дарди бир дунё. Утган йили газдан нотўғри фойдаланиши оқибатида уйи-

да портлаш содир бўлган. Оқибатда икки фарзанди қаттиқ жароҳатланган, турмуш ўртоғи ҳалок бўлган. Болаларини даволатиш учун имконияти етарли эмас, ордер керак. Халқ депутатлари Шахрихон туман Кенгаши депутати Шавкатбек Отабоев бу масала бўйича туман тиббиёт бирлашмасига депутатлик сўрови юбориб, муаммони ҳал этди.

– Бундай кўнгилсизликларнинг аксарияти қиш мавсумида содир бўлади, – дейди партия туман Кенгаши ижрочи котиби Садоқат Максудова. – Тадбиркорларимиз ҳомийлиги асосида бир неча эҳтиёжманд оилани кўмир ёқилгиси ва суолтирилган газ баллонлари билан таъминладик. Бундай амалий ишлар мунтазам давом эттирилади.

Олимжон ТОЛИПОВ,
O‘zLiDeP Андижон вилоят
Кенгаши бўлим мудири

Ўқув

Инспекторлар қандай ишляпти?

Асака туманидаги Эргашобод маҳалласида истиқомат қилувчи Д. Айсақовдан оилавий келишмовчилик бўйича тушган аризани ўрганиш жараёнида ҳудуднинг профилактика инспектори билан бевосита ва билвосита ишлашга тўғри келди. Дарз кетаётган оилани сақлаб қолиш осон бўлмади. Маҳалланинг кайвонлари, оқсоқоллари, депутатлар аралашуви, ҳаётий тажрибалар асқотди. Аммо шу ўринда савол туғилади: нега айни вақтга қадар “эрка” кўвнинг хурмача қилиқларидан профилактика инспектори хабардор бўлмаган? Ахир улар ўз худуди, хонадонлар тинчлиги, фуқаролар осойишталиги йўлида фидойи бўлишлари керак эмасми? Демак, уларга сийёсий, ҳуқуқий, маънавий ўқувлар керак...

Айни мақсадлар бугун бутун республика бўйлаб вилоятларда ташкил этилаётган ички ишлар органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича сайёр ўқувларида ўз аксини топаётгани кувонарли.

– Ички ишлар вазирлиги малака ошириш институти томонидан вазирликнинг Андижон академик лицейида вилоят ИИБ бошқармаси ҳамда туманлар бўлимлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда касбий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқитилмоқда, – дейди Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги малака ошириш институти бошлиғи ўринбосари Олимжон Аҳмедов.

– Ўқув йиғинига жалб қилинган раҳбар ходимлар ва вилоятда фаолият юритаётган 32 нафар профилактика инспектори “Муаммоли вазият”, “Ақлий ҳужум”, “Туншунчалар таҳлили” каби замонавий интерактив усуллар билан билимларини оширмоқдалар.

Мазкур жараёнда O‘zLiDeP вилоят Кенгаши ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари ҳам қатнашгани оилавий муаммолар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни ҳал этишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши учун замин бўлди. Депутатнинг мурожаатни ўрганиш асосида айни органнинг вазифалари, мажбуриятлари ва келиб чиқадиган муаммолар хусусида ҳам атрофлича фикр алмашдилар.

– Ўқув машғулотида ўргатилган билимлар бизнинг вазифаларимиз билан ҳам узвий боғлиқлигини кўрдик, – дейди халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Жаҳонгир Жиянов. – Дарсларда тингловчиларга соҳавий хизматлари юзасидан ташкилотлар, жамоатчилик кенгашлари, депутатлар билан ҳамкорликни тўри ва самарали ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш муҳимлиги ўргатилди.

Беш кун давом этган сайёр ўқув йиғини якунида барча тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификатлар топширилди.

Зилола РАҲМОНОВА,
“XXI asr” мухбири

Депутатлик гуруҳларида

Марказ ахбороти қониқарли деб топилди

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг 2017 йил 6 майдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижалорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қаъда бажарилаётгани юзасидан бандликка кўмаклашиш маркази бўлим бошлиғи М. Умрзоқовнинг ахбороти эшитилди.

Маълумотларга қараганда, марказга 2018 йил мобайнида 5 314 нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг 3 750 нафари Самарқанд шаҳрида фаолият олиб бораётган корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Республика-

си Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида 1 480 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ 255 нафар фуқаро 4 та йўналиш бўйича касб ўра-

нишга йўлланган.

– Утган йили Самарқанд шаҳрида режадаги 8 236 та ўрнига 10 484 та янги иш жойи яратилди. Шулардан 2 022 таси яқка тартибда тадбиркорликни, 837 таси кичик корхона ва микрофирмалар, 1 999 таси миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига тўғри келмоқда, – деди А. Умрзоқов ўз

хисоботида. – Йил давомида 8 та “Бўш иш ўринлари ярмаркаси” ўтказилди. Мазкур тадбирларда 429 та корхона қатнашиб, 5 145 та бўш ва квота иш ўринлари таклиф қилинди.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,
O‘zLiDeP Самарқанд вилоят
Кенгаши мутабут котиби



“Коинот”даги очик мулоқот

Олмалик шаҳридаги “Коинот” маҳалласида фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида шаҳар ҳокими Ў. Каримов ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига O‘zLiDePдан сайланган депутат А. Шодиев иштирокида очик мулоқот ўтказилди. Тадбир давомида, хусусан, ўзбошимчилик билан қурилган иморатларни бузиш юзасидан маҳалла аҳлига тушунтириш берилди.

Шунингдек, “Тоza худуд” давлат унитар корхонаси ва шаҳар Ободонлаштириш бўлими қошидаги O‘zLiDeP бошланғич ташкилотлари аъзолари

иштирокида кичик хашар уюштирилди. Кўп қаватли уйлар ёнидаги манзарали даракларга қайта ишлов берилди. Уйларнинг ташқи қисмлари оқлашиб, ки-

риш йўлакларини таъмирланди.

– Бузиб ташланган ноқонуний қурилмалар ўрнида болалар майдончалари барпо этилади, – дейди А. Шодиев. – Шу билан бир қаторда чиқинди хонага айлантирилган жойлар тўлиқ тозаланиб, аҳоли учун махсус чиқинди йиғиш пунктлари ташкил этилгани одамларга манзур бўлди.

Сухроб МУСУРМОНҚУЛОВ
тайёрлади.

Аёллар қаноти

14 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит

О'zLiDeP Каттақўрғон туман Кенгаши "Бунёдкор аёллар" лойиҳаси доирасида "О'zLiDeP – тадбиркор аёллар манфаатлари химоячиси" мавзусида семинар ўтказди. Унда Партия туман Кенгаши масъул ходимлари, маҳаллий кенгаши депутатлари, "Омонбойқўрик" маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги бошланғич партия ташкилоти аъзолари ҳамда маҳалла фаоллари қатнашди.

мер ва тадбиркор аёлларнинг иқтисодий, сиёсий саводхонлигини ошириш борасида туманда амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

– Туманимизда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётганлар талайгина, – дейди партия фаоли А. Шобеков. – Каттақўрпа ва Кичикқўрпа маҳаллаларининг деярли барча аҳолиси томорқасида иссиқхона барпо этган. Уларнинг тажрибасини бошқа хуудларда ҳам оммалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йили туманда 71 нафар хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредит ажратилган бўлса, шу йилнинг биргина январидан бу кўрсаткич 14 нафарни ташкил этди.

Шарофат Аллаберганова Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида истиқомат қилади. Асли касби ўқитувчи бўлган бу аёлнинг тадбиркорликка қизиқиши ҳам баланд. Тикиш-бичиш асрорларидан ҳам хабардор.

Ўқитувчи энди ишбилармон

Кўп йиллардан буён ўз бизнесини бошлаш ҳаракатида юрса-да, соҳага оид билим ва кўникмаси йўқлиги сабабли фаолиятини бошлашга қийналар эди. О'zLiDeP Янгибозор туман Кенгаши вакилларининг Бўзқалъага бориб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлари натижасида опанинг орузи рўёбга чиқди. Партия фаоллари унга тадбиркорлик фаолиятига оид қонунлар, бизнес-режа тузиш ва уни амалга оширишда банк кредитларидан фойдаланиш каби масалалар юзасидан зарур тавсиялар берди.

– Партия фаолларига раҳмат, – дейди Шарофат опа, – уларнинг сайё-ҳаракати билан "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури доирасида 40 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдим. Унга замонавий русумдаги тикув машиналари харид қилиб, маҳалладаги 10 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминладим.

Сутни қайта ишлаш цехи очилади

О'zLiDeP Қонлиқўл туман Кенгаши "Бунёдкор аёллар" лойиҳаси доирасида "Қосжап" овул фуқаролар йиғинида "О'zLiDeP – тадбиркор аёллар манфаатлари химоячиси" мавзусида давра суҳбаги ўтказди.

Тадбирда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш, иш ўринлари яратиш ва аёллар бандлигини таъминлаш борасида партия томонидан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар яхши самара бераётгани таъкидланди.

– 2016 йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Ўтган даврда партияннинг "Ишбилармон аёл", "Оилавий тадбиркорликдан – мустақам оилага" лойиҳаларида фаол қатнашдим. Хусусий шерикчилик асосида 50 ўринга мўлжалланган "Наўше" мактабгача таълим маскани очдик. Натижада қишлоғимиздаги 8 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, – дейди "Қонлиқўл Тазавул" хусусий корхонаси раҳбари Т. Тўремуратова.

Таъкидлаш керак, тиниб-тинчимас бу тадбиркор жорий йилда ҳам яна бир янги лойиҳа – сутни қайта ишлаш бўйича кичик цех ташкил этиб, янги иш ўринлари яратиш ҳаракатида.

"XXI asr" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

Тахририятга мурожаат

Сирдарёлик тадбиркорнинг дардини ким эшитади?

Мен Сирдарё вилоятида олти йил аввал тадбиркорлик фаолиятини бошлаган бўлсам-да, лекин ҳалиям етарли даражада иш юрита олмаётман. Нега, нима учун, деган ҳақли саволлар туғилиши табиий. Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан барча соҳаларда, айниқса, юрт тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда катта улун қўшаётган фидойи, ишчан тадбиркор ва ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсадлар амалга оширилаётган бир пайтда бизнинг вилоятда, афсуски, ислохотларга тўсик бўлувчи салбий ҳолатлар рўй бермоқда.

Шахсан ўзим 2013 йили "Жасур, Вазира, Мухлиса" хусусий корхонасини ташкил этдим. 2013 йил 31 июнь кун Сирдарё вилояти Гулистон тумани "Боёвут" СИУга қарашли Соҳил маҳалласи хуудидан Сирдарё дарёсининг оқиб ўтувчи қисмида қум-шағал норуда материаллари тўплаш ва қирғоқ бўйини мустақамлаш, қолган бир қисмини сотиш учун 16 гектар ер майдони ажратиб бериш учун ариза билан мурожаат қилдим.

2013 йил 11 ноябрда Гулистон туман ҳокимининг хусусий корхонамиз номига ер ажратиш тўғрисидаги қарори чиқди. Ҳокимликнинг ер ажратиш комиссияси далолатномаси талабларига асосан ишни тегишли корхона ва ташкилотлардан техник шарт ва хулосалар йиғишдан бошладим. Аввалига иш унчалик ҳам қийин кечмади. Барча техник шарт ва хулосалар вилоятнинг ўзида ҳал бўлди. Фақат экология бўйича хулоса давлат экология қўмитасидан олиниши зарур экан. Лекин ана шу ҳужжатни қўлга киритиш чўзилгандан-чўзилаверди.

Нижоят, орадан уч йил ўтиб, яъни 2016 йилнинг 21 ноябрида Республика экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси экологик экспертизасининг 18/1910 "3"-сонли "ЗВОС" лойиҳасига ижобий хулосани қўлга киритганимда ўзимда йўқ қувондим. Лекин эрта суюнган эканман...

Агар ишни ўша кезлардаёқ бошлаганимда, ўтган вақт давомида солиқларни тўлаб, давлат хазинасига анчагина маблағ туширган, дарё ўзанини мустақамлаш, дарё бўйида яшаётган аҳоли хавфсизлигини таъминлашга ҳиссамни қўшган, бундан ташқари, бир қанча ёшларни иш билан таъминлаган бўлардим.

Айни пайтда, хусусий корхонам ҳисобида 5 дона ҳар хил махсус техника мавжуд. Яна, Хоразм вилоятидан дарёдан қум тортиб олувчи мослама олиб келиб ўрнатиш учун келишувга ҳам эришганман. Бироқ бу орада тегишли идора томонидан экологик экспертизанинг 2-босқич, яъни ЗЭП лойиҳасига ҳам хулоса зарурлиги айтилган, бу ҳужжатни олишга зудлик билан киришдим. Тегишли шартномани тузиб, белги-ланган тўловларини тўлиқ амалга оширдим.

Шу орада дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш юзасидан Президентимизнинг 2017 йил 25 сентябрдаги "Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Тўғриси, бу қарорни матбуотда ўқиб, қўзимдан ёш чиқиб кетди. Ахир тўрт йилдан буён мени қийнаб келаётган муаммоларга ана шу муҳим ҳужжатда жавоб топилгандек эди-да. Ушанда ўзимни гўё елкамдан тоғ ағдарилгандек ҳис қилдим.

Аммо вақт ўтиши билан елкамдаги юк вазни икки ҳисса ортаверди гўё. Чунки ҳамон хулоса қўлимга тегмаётгани. Республикадаги мутасадди раҳбарлар ишим ижобий ҳал бўлиши учун Сирдарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Ў. Сайдаев билан учрашимиз зарурлигини айтишди. "Ўзимизнинг

вилоятда экан-ку, энди ҳаммаси рисоладагидек ечилса керак", деган умидда бошқармага бордим. Лекин бошқармадаги мутахассислар томонидан ҳужжатлаштириш ишларини орақга чўзиш яна бошланди. Раҳбарнинг топшириғига биноан, мен ўз ҳисобимдан 150 миллион сўм миқдорда ушбу идорага ҳомийлик ёрдами сифатида маблағ ўтказиб берсам, шундан сўнггина масала ҳал этилиши мумкинлиги очиб айтилди. Нима қилайин, бундай катта маблағни топишга меннинг қурбим етмади. Аввало, иш бошлолмай олти йилдан бери оворая сарсон бўлиб юрган бўлсам, шунча пулни қаердан олишим мумкин? Қолаверса, ҳали айтганимдек, сотиб олган техникаларим, керакли ҳужжатлар учун сарфланган харажатларни ўз ёнимдан, бирор ҳудудан қарз кўтармай амалга оширгандим.

Давлатимиз раҳбари имзолаган ўша қарорда: "Фақат 2017 йилда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустақамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга ошириш бўйича 228 та ҳолат, шу жумладан, давлат экологик экспертизаси хулосаси ёки норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияси мавжуд бўлмаган 176 та субъект томонидан ноқонуний амалга оширилган ҳолатлари аниқланган", дея таъкидланган. Узоққа бориб юрмайлик, айнан худди ўшандай ҳолатлар мен тадбиркорлик фаолиятимни юритмоқчи бўлиб турган хуудда ҳам қўлга кундузи кузатилмоқда. Менга ажратиб берилган хуудда дарё ўзанидан бир "тадбиркор" дарё бўйига дарахт экиш лойиҳаси бўйича Гулистон туман ҳокимининг қарори билан қум-шағал, норуда материалларини қазиб олаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

"Бунга сизнинг ҳаққингиз йўқ. Дарахт экиш учун дарёдан, айниқса, менга тегишли хууддан қум-шағал қазиб олишингиз ноқонуний-ку?" десам, у: "Ҳоҳласам, сени бу йўлдан умуман юргизмай қўяман. Бу ер менга тегишли. Вилоят фавқулодда вазиятлар идораси рухсат берди-ми, демак, ҳаққим бор", дея жавоб қилди. Демак, бундан чиқди, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари дарёдан қум-шағал, норуда материаллари қазиб олишга қонуний ҳуқуқи борми-йўқми, ҳомийлик кўрсатганга рухсат бериб юбораверар экан-да?

Президентимизнинг "Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги "Дарё ўзанини мустақамлаш тўғрисида"ги қарорлари ижросини Сирдарё вилоятида назорат қиладиган комиссия амалда ҳам борми ёки ўша рўйхат номигагина фақат қоғозда тузилганича қолиб кетаверадими? Ушбу ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган талабларга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини бошлашим учун амалий ёрдам кўрсатганим идора Сирдарёда бормикан?

Файзулла ПУЛАТОВ, "Жасур, Вазира, Мухлиса" хусусий корхонаси раҳбари

Бепул даволанишга йўлланма

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Наргиз Халилова ва О'zLiDeP Наманган туман Кенгашининг бир гуруҳ фаоллари туман марказий шифохонасида бўлиб, халқ билан мулоқот қилди.



– Натижада ҳозир шаҳардагидан қолишмайдиغان, барча замонавий тиббий жиҳозларга эга тиббиёт мажмуаси аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келяпти. Очиги, бир пайтлар бундай қўлайликларни орзу қилардик, холос. Бугун орзуларимиз рўёбга чиқди.

Таъкидлаш керак, учрашувда 600 нафарга яқин фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллиги аниқланган 33 нафар беморга шифохонада бепул даволаниш учун йўлланма берилди.

Учрашув давомида 30 нафар фуқародан асосан ишга жойлашиш, электр энергияси, газ ва ичимлик суви таъминоти каби масалаларда келиб тушган мурожаат батафсил ўрганилди. Мурожаатларнинг аксарият қисми жойида ҳал этилган бўлса, қолганлари депутатлик назоратига олинди. Қувонарлиси, учрашув чоғида ноғиронлиги бўлган фуқаролар, кўмакка муҳтож, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Қодирали Жабборов, Абдулло Умаралиев, Ёқубжон Каримовга ноғиронлик аравачалари топширилди.

– Туманимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, касалликларга эрта ва аниқ ташхис қўйиш, аҳолини тиббий текширувлардан мунтазам ўтказиш ва даволаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди, – дейди "Анжирзор" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Қодирали Жабборов.



Муаммо

Ҳоким қарори қачон чиқади?

Тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам, халқ ҳам бой бўлади. Боиси тадбиркор тўйлаган пули, мол-мулкни янги бизнес очишга сарфлайди, аҳоли бандлигини иш билан таъминлайди, хуудни обод қилади. Бор имкониятини ишга солиб, оиласи даромади, юрти ривожини учун кеча-ю кундуз меҳнат қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш, аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга турли имтиёз ва қўлайликлар яратилаётир.

Афсуски, бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишларга қарамай ҳанузгача айрим тўсиқлар, англашилмовчиликлар туфайли ўз фаолиятини бошломасдан тадбиркорлар учраб турибди. Бу эса тадбиркорларда ҳақли равишда норозилик ҳиссини уйғотмоқда.

Ана шундай мазмундаги мурожаатлардан бири Риштон туманидаги

Хуррамобод қишлоғида яшовчи ёш тадбиркор Саида Матқосимовадан келиб тушди. О'zLiDeP Фарғона вилоят Кенгашига келган мурожаат жойида ўрганилди ва тадбиркорнинг эътирози эшитилди.

Маълум бўлишича, тадбиркор 2018 йилда туманининг энг чекка қишлоқларидан бири Чўнғора қишлоғида хусусий мактабгача таълим муассасаси қуриш тақлифи билан тегишли идораларга мурожаат қилган. Лекин орадан бир йил вақт ўтса-да унинг мурожаати ҳал этилмаган.

– Чўнғора қишлоғида салкам ўн беш йилдан буён мактабгача таълим муассасаси деярли фаолият кўрсатмайди. Хуудда эса 400 нафарга яқин боғча ёшига тўлган бо-



лажонлар бор. Шу боис қишлоқдаги эски ва фойдаланилмаётган ҚВП биноси ўрнига янги замонавий шароитларга эга МТМ кўрмоқчи эдим. Бу масалада туман ҳокимлиги, туман мактабгача таълим бўлими ва вилоят ҳокимлигига ҳам мурожаат қилдим. Аммо натижа бўлмади", – дейди С. Матқосимова.

Мазкур масала юзасидан О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Т.Ҳайдаров томонидан шу куннинг ўзида туман мактабгача таълим бўлимига сўров юборилди. Қолаверса, туман ҳокимининг сановатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Содикжон Ҳайдаров билан уч-

рашиб, масалага ойдинлик киритди. С.Ҳайдаровнинг таъкидлашича, ҳақиқатан ҳам эски қишлоқ врачлик пункти биноси яроқсиз ҳолатда фойдаланилмай турибди. Лекин бинони бузиш учун ҳокимнинг қарори керак. Бузилган бинонинг ўрни эса кимосиди савдосига қўйилади. Тадбиркор шу жараёнда аукцион орқали ерни сотиб олиб, қурилишини бошлаши мумкин.

Уйлаймизки, энг чекка қишлоқда замонавий МТМ барпо этишни мақсад қилган ёш тадбиркор С.Матқосимованинг мурожаати тез орада ҳал этилади ва Чўнғорада ҳам янги боғча қад ростлайди.

О'zLiDeP матбуот хизмати

Давлат дастурлари ижроси

Қолган ишга қор ёғмасин-да!

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар ҳаммага ҳам насиб этмаслиги кундек равшан. Уларнинг ёнгинасидаги ховлилар эса фойдасиз бўлиб ётар, бу ҳолат одамларнинг кайфиятига жиддий таъсир этарди. Намунали уй-жойларда электр, табиий газ, ичимлик сув таъминоти талаб даражасида бўлгани ҳолда, бошқа қишлоқларнинг аҳолиси ичимлик сувини ташиб ичарди, электр таъминотидаги чеклашлар, қишда тизза бўйи лой бўлиб, ёзда чанги чиқиб ётадиган кўчалар асабларни чарчаттар, табиий газ у ёқда турсин, айрим ҳудудларда яшаётганлар учун баллонли газ ҳам орзу эди...

Президентимизнинг "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш тўғрисидаги фармонлари асосида бошланган кенг қўламдаги қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари аҳоли учун айна муддао бўлди. Мазкур дастурларга киритилган ҳудудларнинг мезморий қиёфаси қисқа фурсатда тубдан янгиланиб, замонавий масканга айлантирилди. Кўп хонадонли уйларнинг умумфойдаланиш қисмлари таъмирланиб, маиший инфратузилма объекти фаолияти қайтадан йўлга қўйилди, янгилари бунёд этилди, қишлоқлар ҳудуди тартибга келтирилиб, кўчаларнинг таъмирлаш бошлаб юборилди. Аҳолининг турмуш даражаси, дунёқарши, ҳаётга муносабати ўзгариб, бахтли ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзуларининг рўёбини амалда кўра бошладик.

Фикримиз исботи сифатида айрим рақамлар, далилларни келтириб ўтаемиз. Қашқадарё вилоятидаги 28 та қишлоқ ҳудудидаги 51 159 та хонадонда яшовчи 271 231 нафар аҳолининг турмуш шароити яхшиланди. "Обод қишлоқ" дастурига оид 133 та кўп қаватли уйнинг 231,6 минг квадрат метр том қисми, 130

та кўп қаватли уйнинг фасадлари таъмирланди ва 262 та қириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди. 39 км узунликдаги пивдалар йўлакларини қурилиб, 2 048 та кўча чироқлари ўрнатилди. 161,3 км ичимлик сув тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинди ва 32,3 миллиард сўм маблағ молиялаштирилди. Режадаги 846 км. ўрнига 972 км. электр тармоқлари янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. 544 та трансформатор ўрнатилди. 1,3 км. табиий газ тармоқлари таъмирланди. Хонадонларга 7 170 дона маиший газ баллон етказиб берилди. Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматини янада яхшилаш мақсадида 13 дона автобус харид қилинди, 8 та янги йўналиш ташкил этилди. 11 та бекат замонавий усулда қайта таъмирланди. 15 та умумтаълим мактаби, 15 та мактабгача таълим, 5 та соғлиқни сақлаш муассасаси фойдаланишга топширилди. 169 та бозор инфратузилмаси объекти барпо этилди. Дастур доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 254,4 миллиард сўм сарфланди.

Лекин дастурларда кўзда тутилган барча ишлар тўла бажарилмади. Хусусан, 163,6 км. ички хўжалик йўллари жорий таъмир-

ланиши белгилангани ҳолда, амалда 133 км. йўл созланди.

Яккабоғ туманида "Обод қишлоқ" дастурига Эсат ва Хўжайилғор маҳаллалари киритилган эди.

Президентимиздан беҳад миннатдоримиз, — дейди Хўжайилғор маҳалласидаги Амир Темур кўчасида яшовчи Нуриддин Холов. — Маҳалламиз аҳолисининг фарзандларига эски тузумдан қолган, вайронага айланган болалар боғчаси хизмат кўрсатарди. Унга невараларимизни юборгимиз келмасди. Дастур доирасида бу боғчанинг ўрнига икки қаватли, замонавий ва шинам бино қад ростлади. Илгари "Боғчага бормайман", деб хархаша қилаётган болажонлар энди эрта тонгдаёқ ўша кўркам бино томон ошиқшади. Маҳалламизда яшаётган одамларнинг кайфияти яхши, ёшларимиз ҳам келажак сари дадил интилиб, билим ва ҳунар ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Ёшлар учун янги иш ўринлари яратишга бел боғлаган тадбиркорларимиз давлат томонидан қўллаб-қувватланипти.

Аммо дилни хира қиладиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Кўчамиз қовлашиб, ичимлик сув қувурлари тортилди. Бироқ асфальт қи-

лимади. Ичимлик суви ҳам бир ҳафта чиқди-да, кейин бутунлай тўхтади. Яна аввалгидай ташиб ичишга ўтдик.

Хўжайилғор ва Ёшлик маҳаллаларини туташтирувчи 600 метр узунликдаги йўл уйилиб кетгани боис пивдалар юриши учун жуда ноқулай эди. Тунлари зимистон бўлиб ётгани учун бу ердан ўтишга одамлар ҳадиксирарди. Энди пивдалар йўлакчалари қурилди, тунги чироқлар ўрнатилди. Лекин Амир Темур ва Ж. Мамаатов номли кўчалар, "Ёшлик" МФЙга қарашли учта кўчага ичимлик суви тармоғи учун чуқурлар қазилиб, қувурлар тортилди-ю, асфальт қилиш мутасаддиларнинг ҳаёлидан фароғи бўлди. Бу йилги сарёғин қиш фаслида бу кўчаларда яшовчи ўқувчилар тизза бўйи лой кечиб, резина этиклар билан мактабга қатнади. Лоқал шағал тўқилганда ҳам бунчалик қийинчилик бўлмасди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида Қарши ва Шахрисабз шаҳарларидаги 4 та маҳаллада жойлашган 376 та яқка тартибдаги, 69 та кўп қаватли уй-жой, 25 км. ичимлик суви тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди. 21 км. электр, 6,3 км. газ тармоқлари, 7 км. ички йўллар таъмирланди. Бу ишларни амалга ошириш учун 26,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Дастурлар доирасидаги саъй-ҳаракатларни китобликлар ҳам хушундлик билан қарши олишди, — дейди O'zLiDeP Китоб туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулом Узоқов. — Айниқса, транспорт хизматини янада

яхшилаш борасидаги ишлар бизга жуда маъқул бўлмоқда. Туманимиздан Қарши шаҳрига қатнайдиغان таксиларнинг хизмат ҳақи кун сайин қимматлашиб бораёттир. Автобус йўқлиги фақат ойлик маошга яшайдиган фуқаролар учун қимматга тушмоқда. Қарши-Китоб темир йўл линияси электрлаштирилгач, энди тезорар электрчиқлар қатнайди, мушқуллимиз осон бўлади, деб қувонган эдик. Аммо адашган эканмиз. Линия электрлаштирилди, бироқ Қарши-Китоб поездининг йўналиш жадвали ўзгаришсиз қолди. Кеч соат 18:00 да жойидан жилган поезд 21:30 да Китобга етиб келади. Эртаси куни 5:00 да Қарши томон йўлга тушади. Тонг азонда поездга бир амаллаб илинган йўловчи Қаршига бориш учун 3,5 соат вақт сарфлайди. Наҳотки поезд қатновини кунига ақалли уч-тўрт мартаба йўлга қўйиш мумкин эмас? Бу линия шундоғам кун бўйи бўш ётади. Биз депутатлик гуруҳи аъзолари билан ушбу масалани вилоят Кенгаши сессиясига киритиш ҳаракатидаммиз.

Бугун Қашқадарёга келган киши "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган қишлоқ ва маҳаллаларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, хайратга тушиши турган гап. Бироқ айрим мутасаддиларнинг дастурлар ижросига эътиборсизлиги боис баъзи маҳалла ва қишлоқларда чала қолган ишлар биланги кишини ранжитади. Ишонимизки, бу камчиликлар тез орада бартароф этилади.

Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI as" мухбири

Кўргазма



Тадбиркор қизлар ярмаркаси

Нурафшон шаҳрида "Обод маҳалла" Давлат дастури доирасида реконструкция қилинган 7-сонли мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. 140 ўринли боғча қисқа фурсатда тубдан янгиланиб, барча қулайликлар яратилгани маҳаллий аҳолига мамнуният бағишлади.

Кичкинтойларга таълим-тарбия берадиган муассасанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Нурафшон шаҳар ҳокими У. Раҳимов, жамоатчи тарғиботчи Ж. Аҳмадуллоев бутун мамлакатимизда, хусусан, пойтахт вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорликнинг аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

Шу ёрнинг ўзида O'zLiDeP туман Кенгаши саъй-ҳаракати билан партиёга аъзо тадбиркор қизлар томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Навқирон авлод вакилларининг бандлигини таъминлашда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига бошлангич ташкилотлари фаоллик кўрсатаётгани эътироф этилди.

Мафтуна ЎРИНБОЕВА, Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ижрочи котиби

Ёш инновациячи

Шерзод Раҳмонов 2016 йилда Бухоро давлат университетини битирган. Аграр соҳада инновациялар яратишга жуда иштиёқманд йигит. Уни яхши билмаганлар "анча ёш экан, орзу-хавасларини рўёбга чиқариши учун ҳали кўп ишлаши, тажриба орттириши керак" деган ҳаёлга боришлари мумкин.

Ақл ёшдамас, бошда экан

Лекин маҳалладошлари, ўртоқлари, ҳатто ёши улуг дехқонлар, чорвадорлар ҳам уни ташаббускор, сергайрат мутахассис сифатида ҳурмат қиладилар. Техника ва ундан фойдаланиш масалаларида ундан маслаҳат сўровчилар бир талай. "Ақл ёшда эмас, бошда" деганлари шу бўлса керак-да.

Шерзод ўз-ўзидан ана шундай билимдон, омилкор инсон бўлиб қолгани йўқ. Унинг отаси — Толиб Раҳмонов фермер. Пешку туманидаги "Ҳамро Раҳмон" кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқаради. Шерзод ўсмир пайтидан дадасига дастёр, ёрдамчи. Хўжаликдаги турли-туман юмушларга қаршиб юриб, кўп нарсани ўрганди, иш қандай бўлишини амалда кўрди. Бора-бора соҳага астойдил меҳр қўйди, ҳаётини даладан, чорвачилик, паррандачиликдан айрича тасаввур қилолмайдиган бўлди. Унда иш жараёнини такомиллаштириш бўйича янги-янги гоёлар туғила бошлади. Кейинчалик, университетдаги тахсил пайтида амалий тажрибаси назарий билимлар билан бойиди ва у дилида пишитиб юрган гоёларини ҳаётга татбиқ қилишга киришди. Айнан унинг ташаббуси билан фермер хўжалиги ҳошидаги "Шухратмашсервис агросаховати" масъулияти чекланган жамиятида парранда-

ларни саноат усулида боқишга мўлжалланган 2, 3 ва 5 қаватли қафаслар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, у сайроқи қушлар, жумладан, бедана боқишга мўлжалланган ихчам охурлар ҳамда куён боқишда қўлланиладиган озуқа мосламаларининг конструкцияси такомиллаштирилишига бошқош бўлди. Ҳаммаслақлари, дўстлари Муҳаммад Дехқонов, Убайдулла Ҳамроев билан бирга паррандалар боқиладиган бино ва иншоотларнинг иситиш ва совутиш тизимига кўпгина ўзгаришлар киритди. Экинзор ва боғларда ҳам Шерзоднинг тақлифига кўра тайёрланган қурилмалар, асбоблар ишлатилаётгани, у тавсия этган баъзи услублар қўлланилаётгани таҳсинга лойиқ.

Ёш юртдошимизнинг иқтидори, изланишлари муносиб рағбатлантирилди. Шерзод Раҳмонов "Мард ўғлон" давлат муқофоти ва "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Тиниб-тинчимас йигит ҳозирда бир неча янги лойиҳа бўйича изланишлар олиб борапти. Мазкур лойиҳалар ҳам қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг оғирини енгил, мушқулчини осон қилишга қаратилган.

Асҳор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

Шарқнинг сунмас қуёши

O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини билан ҳамкорликда "Алишер Навоий шарқнинг буюк шоири, мутафаккири ва давлат арбоби" мавзусида адабий-балиий тадбир ташкил этди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Одинахон Жамолдинова, адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Нурбой Жабборов, университет профессор-ўқитувчилари, тарихчилар ва партия фаоллари, талаба ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Халқимиз руҳияти ва маънавиятини юксалтиришда Алишер Навоий меросининг аҳамияти беқиёс, — деди Нурбой Жабборов. — Қолаверса, мана бир неча асрдирки, ўзининг аслиятини, кадр-қимматини йўқотмай авлодлар томонидан ўрганиб келинаётган Навоий ўғитлари, ҳаёти давомида амал қилган эзгу



гоёлари бугунги кунда ҳам ёшларда Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан навоийшунос, тарихчи олимларнинг эътирофи этилиши, Навоий нафақат шоир, таржимон, тилшунос олим, балки давлат

арбоби сифатида ҳам катта из қолдирган. Тадбирда университет талабалари томонидан шоир ижоди асосида яратилган бадиий дастур намойиш қилинди.

Мурод ЎРИНОВ, O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби
Суратларни Солижон ЗОИРОВ олган.



Мулоқот

Боғча таъмири депутат назоратида бўлади

Ўтган ҳафтада O'zLiDeP Жомбой туман Кенгаши ташаббуси билан Эски Жомбой ва Найман маҳаллаларида сайёр қабул ташкил қилинди. Тадбирда 24-«Бешкапа» сайлов округидан халқ депутатлари Жомбой туман Кенгашига сайланган А. Холжигитов, шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари мутасаддилари сайловчилар шикоятига қулоқ тутди.

Найман маҳалласида яшовчи бир гуруҳ ота-оналар 50 ўринга мўлжалланган 30-мактабгача таълим муассасасида айна пайтда 75 нафар болажонлар тар-

бияланаётгани, қолаверса, яна 20 дан ортиқ бола навбатда турганлигини маълум қилди. Шунингдек, боғча биносининг таъмирталаб аҳволда экани, уни 2019 йилда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритиш зарурлигини таъкидладилар.

Сайёр қабулда электр, газ таъминоти, транспорт қатнови билан боғлиқ масалалар ҳам кўтарилди.

Депутат мурожаатлар бўйича тегишли ташкилотларга сўров жўнатиб, муаммолар ҳал қилинишини назоратта олди.

Бахтигул ҚАРШИЕВА, O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот котиби

Эътиром



Қилмиш-қидирмиш

“XXI asr” жавоб беради

“Мурувват” ортидаги тузоқ

“Ҳожатбарор”

Фирибгарлик жинояти жой ҳам, жабрланувчи ҳам танламас экан. Сабаби, товламаччилик йўлини тутганларнинг нафси йўлдами-чўлдами ҳақалак отиб кетаверар, унинг йўриғида ҳаром бўлса-да осонгина даромадга эга бўлишга интилавериб шар экан. Эне ёмони, улар ўзларининг бундай қиркин мақсадида эришиш учун ҳатто оғир беморларни зор қиштиришдан ҳам қайтишмас экан...

Яқинда жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди очик суд мажлисида ана шундай қимсаларнинг жиноятлари фош этилди. Суд залида ўтирганлардан кимдир фарзанди оғир хасталикка чалинган онанинг фирибгарлар тузоғига тушганига ачинган бўлса, яна кимдир бевурдларни қарғади, биров ҳайратдан ёқасини ушлаш билан кифояланди, холос. Фирибгарлар ҳам бегона эмас: ака-ука Баҳодир ва Баҳром, уларнинг тумандоши Дилшод (исм-фамилиялар ўзгартирилган).

...Баҳром телеграм ижтимоий тармоғидаги “Эҳсон” каналига уланди-ю, фикри ўзгарди-қолди. Бу каналда асосан ёрдамга муҳтожлар (ва ўзини муҳтож кўрсатувчилар ҳам) ҳожатбарорлардан маълум миқдорда моддий ёрдам сўрашар ва мабодо кимдир бунга рози бўлса, пул кўчиришлари учун пластик карта рақамларини эълон қилишар эди.

“Қизим оғир дардга чалинган, хорижий клиникада жарроҳлик амалиёти ўтказишимизга ёрдам беринг! Акс ҳолда, 20 ёшли дилбандимдан айрилиб қоламан”. Илтимосноманинг остига пластик карта ва уяли алоқа рақамлари қолдирилган. Роксана исмли аёлнинг ушбу илтимоси Баҳромни серкак тортирди. У хаёлига келган шум фикрини амалга ошириш учун дарҳол аёлга хабар юборди:

“Опажон, дилбандингиз операцияси учун қанча маблағ етишмаяпти, қўлимдан келса ҳаммасини тўлашга ҳаракат қиламан”...

Табиийки, бундай “меҳрибонлик”дан Роксананинг қувончи ичига сиймади ва дарҳол жавоб берди:

“30 миллион!”

“Ҳа, яхши, қолгани тайёрми ахир, айтган суммангизни тўласам, уни асраб қолишга улгурасизми?”

“Албатта, 20 миллион сўм йиғилди, сиз каби яхши одамлар кўп экан, укажон”...

“Хўп, опажон, мен сизга қисқа муддатда хабар бераман”.

Баҳром ҳожатманд жувон берган маълумотлардан нусха олиб, аввал акаси Баҳодирнинг телеграмдаги рақамига юборди. Бу вақтда Баҳодир Дилшод билан бирга Қашқадарё вилоятидаги меҳмонхоналардан бирида суҳбатлашиб ўтирган эди. Укасидан келган муздани ўқиб, унинг мақсадини дарҳол тушунди.

– Сизга маълумотларни юбордим, 20 миллионлик даромадани бой берманг, ўзгалар илиб кетмасин, – деди укаси унга кўнғироқ қиларкан.

Дилшоднинг маслаҳатига биноан рус тилини яхши билгани боис Роксана

билан Баҳодир гаплашадиган бўлди. Фақат шахсий рақамидан эмас, шаҳарлараро сўзлашув тармоғи орқали.

– Биз сизга ёрдам бермоқчимиз, операцияга керак бўлган ҳамма пулларни ўтказиб юбораман ҳозир, фақат бунинг учун менга пластик картангизга уланган клик рақамини ҳам айтишингиз керак, бўлмаса бундай катта сумма ўтмайди.

Ҳожати раво бўлаётганидан умидвор Роксана “ҳожатбарор”га лаққа тушди.

– Икки кунда ҳисобингизга пул ўтказаман, қизингиз тузалиб кетсин, – дея хайрлашди Баҳодир клик рақамини олган...



Роксана бечора эса узундан узоқ раҳмат айтганча қолди.

Икковлон тонғи бегокатларча оттиргач, Шаҳрисабз шаҳридаги “Кеш” деҳқон бозорига қўйилган банкومات пластик карта ва уяли алоқа рақамларидан соддалиги биллиниб турган бир отахон келиб, пластикдаги пулни банкومات хизмати орқали нақдлаштириб олди. Сўнг кетишга чоғланган ҳам эдики, Баҳодир у кишига яқинлашиб, саволга тутди:

Отажон, сиздан бир илтимосим бор эди?

– Қўлимдан келса бажонидил, болам, – дея кўринишидан бошқа вилоятнинг кишиси эканлиги биллиниб турган йигитга разм солди отахон.

– Биз мол олгани водийдан келувдик. Аммо пулимиз камлик қиялпти. Керакли пулни у ёқдан машина орқали келишини кутсак, вақт йўқотамиз. Агар бизга пластик картангизни бериб турсангиз, танишларимиз ҳозирроқ пул ташлайди, биз уни нақдлаштириб олиб, сизга қайтариб берамиз.

– Майли, бўтам, мусофир экансизлар, мана олинг...

Устомонлар клик хизмати орқали бирпасда Роксананинг пластик картасидаги маблағни қўларидида картага ўтказиб олишди. Сўнг дўкондорлардан бирига учрашиб, 20 миллион 300 мингга 5 фоиз эвазига нақдлаштириб беришни сўрашганди, у киши ҳам қўна қолди. Ахир, йўқ жойдан 1 миллион сўм даромад қоринни оғригадими? Дўкондор ечилган суммадан ўз ҳақини чегириб, нақ 19 миллионни Баҳодир ва Дилшоднинг қўлига тутқазди. Бўшаган пластик карта эса отахонга қайтарилди. Ярим соатда хушигина сармояли

бўлган икки фирибгар дўппини осмонга отишганча тезда уйларига – Андижонга жўнаворишди. Табиийки, “даромад” уч ҳамтовқо ўртасида тенг тақсимланди...

Ноҳуш хабарлар

Энди гапни Роксанадан эшитинг. У нотаниш “ҳожатбарор”га шахсий клик рақамини айтгач, кечаси билан кўнғили гаш тортиди. Ҳисобидаги пулни укасининг пластик карта рақамига кўчириб беришни сўраш учун Ангрен шаҳридаги тегишли банка йўл олди. Аммо

у молия муассасаси остонасига етар етмасдан, телефонига кетма-кет СМС-лар кела бошлади. Хабарлар унинг ҳисобидаги пуллари ечиб олинганидан дарак беради...

Шундоқ ҳам жигаргўшасининг дардида қуйиб адо бўлаёган онаизор ҳушидан айрилишга бир баҳя қолди. Яхшиямки, банк ходимлари ўз вақтида унга биринчи ёрдам кўрсатишди. Сўнг Роксананинг мурожаати билан унинг пластик картасидан ечилган пулларнинг рўйхатини тақдим этишди. Унда аёлнинг маблағлари қаердан, қай усулда ушлаштирилгани ҳақида барча маълумотлар мужассам эди. Воқеа юзасидан жабрланувчи Роксананинг қонуний вакили – кайнукаси дарҳол туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат этди. Тезкор суриштирув ишлари натижасида барча жиноятлар фош бўлди. Жиноят изларини беркитиш ва ҳуқуқни муҳофазат қилувчи идоралар ходимларини жалғатиш мақсадида Баҳодирнинг ўз уяли алоқа телефони туриб, шаҳар таксофонидан Роксанага кўнғироқ қилгани, ўз пластик картаси бўлса-да, нотаниш инсоннинг картасига пулларни ўтказиб олиб, сўнг уни нақдлаштиргани, ҳамма-ҳаммаси бирин-кетин исботини топди.

Жиноят жазосиз қолмайди

Суд судланувчилар, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларни атроф-

лича ўрганиб чиқди. Уларни таҳлил қилиб, судланувчи Дилшод Рустамов ва Баҳром Зиёдуллаевнинг (Баҳодир Зиёдуллаев хорижга кетиб қолгани учун унга нисбатан жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган) айби ўзларининг тўлиқ иқдорлиги, пластик картасидаги пул ўтказиш операциялари, уяли алоқа телефонларидаги кириш-чиқиш кўнғироқлари ҳақидаги маълумотлар ва бошқа далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисобланди. Дилшод Рустамов ва Баҳром Зиёдуллаев содир этган жиноят Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри малакаланган деб топилди.

Судланувчи Дилшод Рустамовга жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, шунингдек, унинг ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб қилмишидан пушаймонлиги, оилалиги, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, шунингдек, унинг муқаддам судланган (бир неча марта) бўлиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан яна жиноят содир қилгани, жабрланувчининг қонуний вакили оғирроқ қонуний чора кўришни сўраганини инобатга олиб, унга ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Баҳром Зиёдуллаевга эса жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг бир гуруҳ бўлиб ёрдамга муҳтож шахснинг мулкни ўйирлагани, жабрланувчининг қонуний вакили қонуний чора кўришни сўрагани, муқаддам судланмагани, яшаш жойидан ижобий тавсифлаши, ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани инобатга олинди. Унга ўзи айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озоқликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинланди.

Суд Дилшод Рустамовни 5 йил муддатга озоқликдан маҳрум қилди. Тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиш белгиланди. Баҳром Зиёдуллаев эса 3 йил муддатга озоқликдан маҳрум қилиниб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатишга бўлди. Зарарни қоплаш мақсадида Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 20 300 000 сўм пул жабрланувчининг қонуний вакилига қайтариб берилиши ҳам суд ҳукмида қайд этилди.

Ушбу суд иши тафсилотларини эътиборингизга ҳавола этишдан асосий мақсадимиз фақат жиноятчиларнинг асл башарасини очиш эмас, айни пайтда юрдошларимизни фирибгарлик қурбони бўлиб қолишдан огоҳ этиш ҳамдир.

Ғолиб ЭРҒАШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Ангрен шаҳар суди раиси,
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири

Кимлар ер солиғи тўлашдан озод қилинган?

Ер солиғидан кимлар озод қилиниши ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Н. Шодиева,
Бувайда тумани

Ер солиғидан қуйидагилар озод қилинадилар:

► “Ўзбекистон Қаҳрамони”, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар.

Мазкур имтиёз “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилгани тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудоффа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

► уруш ноғиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ноғиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудоффа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ноғиронларга (қатнашчиларга) эса ноғироннинг (қатнашчисининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;



► I ва II гуруҳ ноғиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

► ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ноғирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

► боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган беш нафар ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар, солиқ қонунчилиги бўйича, боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар саналади. Мазкур имтиёз Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

► Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан, вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар). Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ноғироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек, ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

► энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ ўзиб қўйилган турар-жойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар – муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга. Энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ ўзиб қўйилган ҳолда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома мазкур имтиёз учун асос бўлади.

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Фуркат ТОЖИЕВ жавоб берди.

Китоб менинг келажагим!

Аждодларга эҳтиром

Бекобод шаҳридаги “Ёшлар маркази”да O’zLiDeP Бекобод шаҳар Кенгаши, “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти, шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази шаҳар бўлими ва “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда улғу аждодларимиз – Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур меросига бағишланган маънавий-маърифий байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбир давомида “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган бадий, илмий китоблар ҳамда бир қатор газета ва журналлар кўргазмаси қатнашчилар эътиборини қозонди. Шаҳарнинг мусиқа ва санъат мактаблар



ри ўқувчилари иштирокидаги “Мен севган қаҳрамон” номли расмлар танлови кўтаринкилик улашди.

Унда ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Нодира Гайбердиева ғолиб деб топилди. Анжуманинг бадий қисмида газалхонлик кечаси уюштирилди.

Яқинда бир гуруҳ таниқли эстрада хонандаларининг чиқишлари намойиш этилди.

O’zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши
китобот хизмати

Акционерное общество “Узбекнефтегаз”

Акционерное общество “Узбекнефтегаздобыча”

ООО “Шуртанский газо-химический комплекс”

Объявляет

ОТКРЫТЫЙ КОНКУРС

По оказанию услуги в подготовке внутренних аудиторов Интегрированной системы менеджмента на основе стандартов ISO 9001, ISO 14001, ISO 50001, OHSAS 18001.

Проведение обучения персонала должно проводиться на территории предприятия без отрыва от производства на государственном (узбекском) языке.

За подробной информацией обращаться по адресу или на сайт www.sgcc.uz

Эл. почта: sgcc@sgcc.uz

ООО “Шуртанский газо-химический комплекс” 180 300, Узбекистан, Кашкадарьинская область

Гузарский район
посёлок Шуртан
Тел: +998 (75) 552 45 00,
Факс: + 998 (75) 552 40 16

14 февраль – Заҳрирдин Муҳаммад Бобур таваллуд тогган кун

“Кўрғач бу хатимни мени ёд этгайсен...”

Мозийнинг турфа битик ва зарварақларини беазаган буюк шахслар тақдири ҳақидаги солномаларга назар ташлар экан- миз, улар сирасида, ҳеч шубҳасиз, улуг аждодимиз Заҳрирдин Муҳаммад Бобур шахсияти алоҳида ўринга эга. Унинг ижодидаги латифлик, бошқарувдаги мурасасозлик, тийнатидаги чинакам бағрикенглик хислатлари эса, мана, асрларки бутун оламни ўзига жалб қилиб келади.

Албатта, Бобур эҳниятидаги оқиллик, фитратидаги дилбарлик, назм ва насрдаги истеъдоди юқори даражада бўлганига гумон йўқ. Ўз навбатида, бу буюк шахсининг арбоб ўлароқ толерантлик ғояларини тарғиб қилгани эса бугунги замонавий дунёда яшаётган ҳар бир киши учун ниҳоятда хайратлидир. Шу ўринда биз фикрларимизнинг исботи сифатида Бобур ҳазратларининг вафоти олдида ўғли Ҳумоюн Мирзога қолдирган “Махфий васиятнома”си матнини келтиришни лозим топдик.

Бир қатор бобуршунос олимлар Бобурнинг ёзма васиятномаси бўлганини қайд этиб келган. Жумладан, васиятнома матни билан танишган ҳинд профессорлари – Сайид Росс Маъсуд, Ҳ.К. Шервани ҳамда Жайпурдаги Ражастон университети профессори, тарихчи олим Р.Е. Натх тадқиқотларида бу тўғрисида эълон қилишган.

Р. Натхнинг фикрига кўра, 47 йиллик умрининг 36 йилини жангу жадалларда ўтказган Бобур аслида осойишталик, тинчлик одами эди. У тўғрисида, ҳақиқат- гўй солномачи, “Бобурнома” муаллифи, бизнинг давримизгача икки девони етиб келган ажойиб шоир, табиат ошиғи, гўзал боғ-роғлар яратувчиси ва ҳаммасидан ҳам муҳимроғи, гуманист эди. Ўзи сунний мазҳабдаги мусулмон бўлса-да, диний ақидаларга ёпишиб олма- ганди. У ҳаёти мобайнида санъат, шеър- рият, муסיқа ва расмчиликка нисбатан ҳур фикрликни сақлаб келди. Бобурда ҳеч вақт ман этишлар бўлмаган. Бош- қа диндагиларга нисбатан тинч-тотув яшаш, сабр-бардошли бўлиш, диний ишларига аралашмаслик сисъатини қў- ллаган. Ерли халқнинг диний эътиқодла- рини ҳурмат қилган. Унинг 1529 йил 11 январда Дҳолпур яқинидаги “Боғи Нилу- фар”да турганида ўғли Ҳумоюнга атаб

ёзган васиятномаси бунга ёрқин мисол бўлади.

“Махфий васиятнома” настаълик хатида ёзилган бўлиб, мутахассисларга кўра, қоғозига олтин суви пурқалган ҳамда хошияларига гулли безаклар ишланган. Ўнг томонида доира ичида Бобурнинг “933. Подишоҳ Баҳодир ғо- зий Заҳрирдин Муҳаммад Бобур” деб нақшланган муҳри ҳам берилган.

Ҳозирги кунларда Бобурнинг васи- ятномаси Бҳопал Давлат Кутубхонаси (Ҳиндистоннинг Ражастон штати) архи- вида сақланади. Васиятнома фотонус- хасини биринчи бўлиб кутубхона му- дири Б. Гошал олиб, ҳинд тарихшунос олими Саид Росс Маъсудга юборган.

Бобур шонинг ўғли шахзода Ҳумоюн- га қолдирган бу васиятномаси Ҳиндист- онни бошқаришга оид ўғит-маслаҳат, йўл-йўриқлардан иборат бўлгани учун ҳам махфий саналган ва “Махфий ва- сиятнома” деб юритилган. Васиятнома форс тилида ёзилган бўлиб, уни халқ- мизга етказишда тилшунос олим Хайрул- ла Исмаиловнинг ҳиссаси бекиёсдир.

“933 ҳижрий йил, Подишоҳи Баҳо- дир ғозий Заҳрирдин Муҳаммад Бобур Алхамдиллаҳ.

Султоннинг мустаҳкам бўлиши учун бу махфий васиятнома тузилди. Эй

фарзандим, Ҳиндистон мамлақати турли мазҳаблардан маъмур бўлган. Аллоҳ таоло Сизга буни каромат этди. Сиз мазҳаблар- ни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқасига (йўлига) адо- лат қилинг. Хусусан, Ҳиндистоннинг қал- бини қўлга киритаман десангиз, сизир сўй- моқдан ўзингизни тийинг. Бу яхшиликнингиз эвазига шу вилоят халқининг қалби Сизга яқин бўлади. Қўлингиз остидаги ҳар қавм- нинг ибодатгоҳларини ва муқаддас жой- ларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подишоҳ раъйатдан ва раъйат подишоҳдан осуда бўлсин. Ис- ломнинг тараққиёти эҳсон қилишдан ях- широқ бўлади, зулм тигидан эмас. Сунний ва шиа ўртасидаги жанжаллардан кўз- ингизни юминг. Агар бундан кўз юмсангиз, ислом заифлашиши мумкин. Раъйатдаги турли қалбларни арбаан аносир (тўрт ун- сур) билан маҳкам тутинг. Салтанатнинг жисми турли маразлардан тинч бўлсин. Подишоҳлик ишларини пухта қилиш учун ҳазрат Амир Темур Саҳибқироннинг ишла- рини кўз олдингизда тутинг.

Ва мо аллайно илал балаг (“ва бизнинг бурчимиз фақат аниқ наём этишидир”. Су- раи Ёсндан).

Биринчи жумудий ул аввал 933 (ҳижрий йили).

Комила МУҲИДИНОВА тайёрлади.



ЯНГИЛИК

“Агробанк” халқаро пул ўтказмалари тизимини янада кенгайтди



Мамлакатимизда юритила- ётган фаол инвестицион сиё- сат натижасида хориждан ки- риб келаётган янги технология ва илғор тажрибалар кўлами кун сайин ошиб бормоқда. Бу жараёнда эса тижорат банкла- рининг инновацион хизматлари алоҳида ўринга эга.

“Агробанк” АТБ томонидан ҳам бу борада муҳим қадамлар ташла- ниб, жаҳон бозорининг етакчи ком- паниялари, молия муассасалари билан ўзаро манфаатли келишув- ларни йўлга қўйиш борасида ама- лий ишлар қилинмоқда.

Хизматлар лицензияланган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Ойбек Эгамовга отаси **Нормуҳаммад отанинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси О‘зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси Аббос Аҳмедовга онаси **Саноат аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Хусусан, яқинда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Туркия “Актив банки”нинг UPT халқаро пул ўтказмалари тизими билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Энди UPT халқаро пул ўтказ- малари тизими орқали миждоз- лар ўтказмаларини тез ва арзон нархларда амалга оширишлари мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш керак, “Актив банки” Туркиянинг энг ну- фузли хусусий банкларида бири бўлиб, бизнесни кўллаб-қувватлаш, инновацион ғояларни ривожланти- риш, шунингдек, иқтисодий сектор- да катта лойиҳаларни молиялашти- ришда қатнашиб келади.

UPT халқаро пул ўтказмалари тизими Туркияда 10 мингдан зиёд, дунёнинг кўплаб давлат- ларида 400 мингдан ортиқ шохобчаларига эга.

“Агробанк” АТБ матбуот хизмати

ЭЪЛОН

“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

КОРХОНА ТАСАРРУФИДАГИ “МЕРСЕДЕС-БЕНЦ 2631/6X4/45” РУСУМЛИ МАХСУС ЎТ ЎЧИРУВЧИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ШАССИСИГА ЎРНАТИЛГАН “МЕТЦ ДЛК-53” АЙЛАНУВЧИ НАРВОННИ ТАЪМИРЛАШ ВА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ГАЗ БАЛЛОН ЖИҲОЗЛАРИ БИЛАН ЎРНАТИШ УЧУН

ОЧИҚ ТАНЛОВ

ЎТКАЗИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Танлов муддати – 10 кун.

Манзил: Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан кўрғони;

инд. 180300; Тел.:/Fax/: (0375) 552-40-16, 552-46-55, www.sqcc.uz tn@sacc.uz

Маълумотлар қуйидаги жадвалда кўрсатилган

№	Номи	Техник кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	“Мерседес-Бенц 2631/6x4/45” русумли махсус ўт ўчирувчи автотранспорт воситаси шассисига ўрнатилган “МЕТЦ ДЛК-53” айланувчи нарвонни таъмирлаш	Фирма - “МЕТ2” Тип - DL 53F ишлаб чиқарилган йили – 1998. Ишлаб чиқарувчи рақами (фабричный номер) - 3760 5647 00	дона	1
2.	Лада “Pickup-232900-40-41” газ баллон жиҳозлари билан ўрнатиш	Ҳажми 65 литр бўлган суюлтирилган пропан (СНГ) газ ёқилгисига мўлжалланган, ҳимояловчи жиҳози мавжуд бўлган баллон	дона	1
3.	“ISUZU SAZ NQR 71 PL Газ баллон жиҳозлари билан ўрнатиш	Ҳажми 100 литр бўлган 2 (икки) дондан суюлтирилган пропан (СНГ) газ ёқилгисига мўлжалланган, ҳимояловчи жиҳози мавжуд бўлган баллон	дона	2
4.	“ISUZU SAZ NP – 26” йўловчи ташувчи автобусга газ баллон жиҳозлари билан ўрнатиш	Ҳажми 50 литр бўлган 6 (olti) дондан сиқилган табиий газ метан (СПГ) газ ёқилгисига мўлжалланган, ҳимояловчи жиҳози мавжуд бўлган баллон	дона	4
5.	“Gentra CDX A/T” русумли энгил автотранспорт воситасига газ баллон жиҳозлари билан ўрнатиш. (2015 йилда ишлаб чиқарилган)	Ҳажми 100 литр бўлган сиқилган табиий газ метан (СПГ) газ ёқилгисига мўлжалланган, ҳимояловчи жиҳози мавжуд бўлган баллон	дона	1
6.	УРАЛ-63685-0110-02 русумли автотранспорт воситаси двигателини капитал таъмирлаш	Дизель. ЯМЗ 236БЕ2-7601-10. V6	дона	1

Буюртмачи мажбурияти:

товар ёки кўрсатилган хизмат учун олдиндан шартнома нархининг 15% суммасини тўлаб беради.

Хизматлар лицензияланган.

Бажарувчи мажбурияти:

зарурий ҳужжатларни шартнома тузиш жараёнигача тақдим қилади; маҳсулот ва бажарилган хизмат ишлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабига мос келиши шарт.



МУАССИС:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙИТОВ Адам ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ Тулқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА Насимжон АЛИМОВ
Сирожиддин САЙИДИ Асияддин АМАРДОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz

Телефонлар:

қабулхона – 71 215-63-80

(тел./факс).

Котибият – 71 281-40-17

Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” iqtisodiy-siyosiy gazetasi Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.

Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 258 Тираж: 4713
Баҳоси келишилган нархда.
ЎЗА якуни – 01:40
Топширилди – 01:50

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов

томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

12 4 5 6

Навбатчи муҳаррирлар:

Озод РАҲАБОВ, Элмас ШОЙИМҚУЛОВ.